ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ

**2021 ЙИЛ**
**ЯНВАРЬ–МАРТ**

**Гулистон – 2021 й.**

# СЎЗ БОШИ

Сирдарё вилоятининг статистик ахборотномаси вилоятнинг ижтимоий–иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Вилоят статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2021 йил январь–март ойлари якунлари бўйича Сирдарё вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда 2017 йилнинг I–чорагидан бошлаб, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ–2) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг B,C,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А "Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги").

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯҲМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 13 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Статистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, нарх, меҳнат бозори ва демографик ҳолат тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

МУНДАРИЖА


| Номи | | бет. |
|---|---|---|
| АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР | | 5 |
| I. | ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ | 6–12 |
| II. | САНОАТ | 13–34 |
| III. | ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ | 35–69 |
| IV. | ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ | 70–83 |
| V. | ХИЗМАТЛАР | 84–100 |
| VI. | ТРАНСПОРТ | 101–107 |
| VII. | ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ | 108–112 |
| VIII. | ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ | 113–127 |
| IX. | КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК | 128–144 |
| X. | КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ | 145–159 |
| XI. | КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ | 160–176 |
| XII. | ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ | 177–188 |
| XIII. | ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ | 189–192 |

## Қисқартма ва шартли белгилар

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ЯҲМ | – | ялпи ҳудудий маҳсулот | 0,0 | – | катта бўлмаган миқдор |
| %. | – | фоиз | м. | – | марта |
| млрд. | – | миллиард | – | – | кўрсаткичнинг йўқлиги |
| млн. | – | миллион | га | – | гектар |
| млн.АҚШ долл. | – | миллион АҚШ доллари | т | – | тонна |
| минг. | – | минг | дона | – | дона |
| кв. | – | квадрат | йўловчи/км | – | йўловчи–километр |
| км | – | километр | Мбит/с | – | Мегабит /сония |
| м | – | метр | [1], [2], [3]...... | – | изоҳнинг мавжудлиги |

## Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
## *(2021 йил январь–март)*

| | *Млрд. сўм* | *2020 йил январь–мартига нисбатан % ҳисобида* |
|---|---|---|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот | 2554,6 | 107,4 |
| Саноат маҳсулоти | 2323,9 | 110,6 |
| Истеьмол товарлари | 710,8 | 117,1 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат) лари | 932,0 | 100,7 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар | 1205,2 | 108,5 |
| Қурилиш ишлари | 562,1 | 123,7 |
| Юк айланмаси *(млн. т/км)* | 39,8 | 115,4 |
| Йўловчи айланмаси *(млн. йўловчи/км)* | 554,3 | 101,4 |
| Чакана савдо товар айланмаси | 787,6 | 100,3 |
| Хизматлар, жами | 934,7 | 112,0 |
| Ташқи савдо айланмаси, *(млн. АҚШ. долл)* | 176,6 | 179,1 |
| Экспорт | 53,7 | 197,1 |
| Импорт | 122,9 | 172,3 |
| Сальдо *(+,–)* | -69,2 | х |

# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь–мартида Сирдарё вилояти бўйича ялпи худудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 2554,6 млрд. сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг январь-марти билан таққослаганда 7,4 % га кўпайди. ЯҲМ дефлятор индекси 2020 йил январь-мартидаги нархларга нисбатан 108,1 % ни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМнинг шаклланишида Сирдарё вилоятининг қўшган ҳиссаси 2,0 % га етди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича**
**ЯҲМ ишлаб чиқариш хажми ва ўсиш суръатлари**

| | Млрд. сўм | | 2020 йил январь-мартига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|
| | 2020 йил январь-март | 2021 йил январь-март | |
| **ЯҲМ** | **2 199,1** | **2 554,6** | **107,4** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2 117,9 | 2 430,7 | 107,2 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 81,2 | 123,9 | 112,5 |
| **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **2 117,9** | **2 430,7** | **107,2** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | **470,0** | **539,9** | **100,7** |
| **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **955,1** | **1 103,6** | **113,3** |
| саноат | 760,4 | 860,1 | 110,6 |
| қурилиш | 194,7 | 243,5 | 123,7 |
| **Хизматлар** | **692,8** | **787,2** | **103,3** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйичахизматлар | 138,8 | 158,0 | 101,9 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 100,0 | 117,2 | 106,2 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 454,0 | 512,0 | 103,1 |

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 2961,9 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,6 % га кўпайди.

## Январь – март ойларида аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

| | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|
| **ҳажми** *(минг сўм)* | 2 593,2 | 2 961,9 |
| **ўсиш суръатлари** *(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)* | 101,8 | 105,6 |

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 95,1 % ини, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,9 % ини ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯҲМ тармоқлари бўйича таркибидаги улуши ҳисобот йилида 22,2 % ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда бу кўрсатгич ўзгаришсиз қолди. Саноат тармоғининг улуши 35,4 % дан иборат бўлиб, 0,5 пунктга камайгани ҳолда, қурилиш соҳасида 0,8 пунктга кўпайди ва 10,0 % ни ташкил қилди. Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 32,4 % ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда 0,3 пунктга камайди.

## Январь – март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*

| | *2020 йил* | *2021 йил* |
|---|---|---|
| **ЯҲМ, жами** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 96,3 | 95,1 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 3,7 | 4,9 |
| **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **100,0** | **100,0** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | **22,2** | **22,2** |
| **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)** | **45,1** | **45,4** |
| саноат | 35,9 | 35,4 |
| қурилиш | 9,2 | 10,0 |

| | 2020 йил | 2021 йил |
|---|---|---|
| **Хизматлар** | **32,7** | **32,4** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 6,6 | 6,5 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа | 4,7 | 4,8 |
| бошқа хизмат тармоқлари | 21,4 | 21,1 |

## Январь – март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ таркиби *(жамига нисбатан % да)*




Солиштирма нархларда ҳажм ўзгаришлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100,7 % (ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши –

22,2 %), саноатда – 110,6 % (35,4 %), қурилишда – 123,7 % (10,0 %), хизматлар соҳасида – 103,3 % ни (32,4 %) ташкил этди. Хизматлар соҳаси таркибида солиштирма нархларда ҳажм ўзгаришлари савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 101,9 % (6,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 106,2 % (4,8 %), бошқа хизмат тармоқларида 103,1 % (21,1 %) дан иборат бўлди.

**Январь – март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**
***(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)***




2021 йилнинг январь–мартида иқтисодиётнинг саноат соҳаси ЯҲМнинг 3,7 ф.п.га ўсишига ҳисса қўшди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 0,2 ф.п.га, қурилиш 2,1 ф.п.га, хизматлар соҳаси 1,0 ф.п.га ҳамда маҳсулотларга соф солиқларнинг 0,4 ф.п.га ўсиши ЯҲМнинг 7,4 фоизга ўсишига ўз ҳиссасини қўшди.

**2020 йил январь – март ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси** *(жамига нисбатан % да)*




2021 йил январь-мартда ЯҲМ дефлятори индекси 2020 йил январь-мартидаги нархларга нисбатан 108,1 фоизни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори

индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 114,0 %, савдо, яшаш ва овқатланиш–111,7 % ва ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматларда –110,7 % қайд этилди.

**Январь – март ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**




## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – маълум бир давр мобайнида маъмурий-ҳудудий тузилишларда жойлашган иқтисодий резидент–бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичидир;

**ялпи ишлаб чиқариш (ЯИЧ)** – ҳисобот даврида резидент–бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасини ифодаловчи, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматидир;

**оралиқ истеъмол (ОИ)** – муайян даврда бошқа товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун сарфланган (асосий капитал истеъмоли бундан мустасно) товарлар ва бозор хизматлари қийматидир;

**ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ)** – ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар (ишлаб чиқариш) қиймати ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича ишлатилган товарлар ва хизматлар (оралиқ истеъмол) қиймати ўртасидаги фарқ орқали аниқланади;

**ёлланма ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш –** ҳисобот даврида бажарилган иш учун ёлланма ишчига иш берувчи томонидан тўланадиган пул ёки натура шаклидаги тўловлар. Меҳнатга ҳақ тўлаш, қонунчиликка мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловларни чегирмаган ҳолда ҳисобланган сумма асосида ҳисобга олинади;

**маҳсулотларга солиқлар –** резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган, сотилган ва импорт қилинган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда товар ёки хизматнинг бир бирлигига солинадиган солиқлардир. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импортга солиқлар ва бошқалар киради;

**ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар** – корхона ва ташкилотларга ишлаб чиқаришдаги иштироки натижасида солинадиган барча солиқ турларидан (маҳсулотларга солиқлар бундан мустасно) иборат. Улар ер ва табиий ресурслар учун, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш воситалари ёки ишчи кучи учун, шунингдек маълум бир фаолият турлари ёки операциялар билан шуғулланишга рухсат олиш ва бошқалар учун тўланиши мумкин;

**соф солиқлар** – тегишли субсидиялар чегириб ташланган солиқлардир;

**субсидиялар** – давлат бошқаруви органлари, шу жумладан норезидентлар томонидан корхоналарга, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳажмидан ёки улар томонидан ишлаб чиқарилган, сотилган ва импорт қилинган товарлар ва хизматларнинг қиймати ёки миқдоридан келиб чиққан ҳолда тўланадиган беғараз тўловлардир;

**маҳсулотларга субсидиялар** – резидентлар томонидан ишлаб чиқарилган, сотилган ва импорт қилинган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва қийматига

мутаносиб тарзда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг бир бирлиги учун тўланадиган субсидиялардир;

**ишлаб чиқаришга бошқа субсидиялар** – корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти натижасида олинадиган субсидиялардир (ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш билан боғлиқ субсидиялар, масалан ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, табиий ресурслар ва бошқалар), маҳсулотларга субсидиялар бундан мустасно;

**ялпи фойда** ва унга тенглаштирилган даромадлар - ёлланма ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, ишлаб чиқаришга ва импортга соф солиқлар чегирилгандан кейин ишлаб чиқарувчи ҳисобида қўшилган қийматнинг қоладиган қисмини, шунингдек уй хўжаликларининг аралаш даромадларини, яъни якка тадбиркор ёки даромад олувчининг даромадидан ажратилмайдиган, бажарилган иш учун олинган тўловларни ифодалайди;

**асосий капитал истеъмоли** ҳисобот даврида асосий капитал қийматининг моддий ва маънавий эскириши ва тасодифий зарарланиши натижасида камайишини ифодалайди;

**бозор ишлаб чиқариш** иқтисодий аҳамиятга эга нархларда, яъни товарлар ва хизматлар талаб ва таклифига сезиларли таъсир қилувчи нархларда сотиладиган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади;

**нобозор ишлаб чиқариш** институционал бирликлар томонидан ўзларининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқарилган, шунингдек бошқа институционал бирликларга бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда тақдим этиладиган товарлар ва хизматлар қийматини ўз ичига олади;

**сотиб олиш нархи** – сотиб олувчи томонидан белгиланган вақтда ва жойга етказиб берилган товар ва хизмат бирлиги учун тўланадиган нарх. У товарни етказиб бериш бўйича савдо-воситачилик ва транспорт харажатларини, шунингдек сотиб олувчи томонидан тўланадиган маҳсулотларга солиқларни ўз ичига олиб, аммо маҳсулотларга субсидияларни ва ажратилган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ўз ичига олмайди;

**ЯҲМ физик ҳажм индекси** – ўтган йилнинг шу давр нархларидаги жорий давр ЯҲМни (доимий нархлардаги ЯҲМ ёки реал ЯҲМ) ўтган йилнинг шу давр амалдаги нархларидаги ЯҲМ га нисбати каби ҳисобланади;

**ЯҲМ индекс-дефлятори** – ҳудуд иқтисодиётида нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (амалдаги нархлардаги жорий давр ЯҲМ) реал ЯҲМ га нисбатини тавсифлайди.

# II. САНОАТ

## 1 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ

*(2021 йил январь-март)*

Дастлабки маълумотлар бўйича 2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят корхоналари томонидан 2323,9 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришнинг физик ҳажм индекси[1)] 110,6 % ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариш таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши (50,0 %)ни ташкил этди.










***B***– *Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш,* ***C****-Ишлаб чиқарадиган саноат* ***D****-Електр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш,* ***E****-Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш.*

### Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат ишлаб чиқариши, ФҲИ* *% да*







Жами саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда - 23,6 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатда - 11,8 % га ўсиши кузатилди.

Шунингдек, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида - 14,7 % га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида - 41,4 % га пасайиши кузатилди.

### Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуши, *% да*

[1)] **Саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси** *иш... ...ан маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмининг таққосланадиган даврлард... ...и тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.*






Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3,8 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ини ташкил этди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши**

*йил бошидан I чоракда, % да*




## БЎЛИМ. ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН САНОАТ

*(январь-март ойларида)*




2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1163,0 млрд. сўмни ёки жами саноат маҳсулотларининг 50,0 % ини ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 2,5 %ни (2020 йилнинг январь-

март ойларида - 3,4 %), ўрта-юқори технологияли - 2,7 %ни (3,8 %), ўрта-қуйи технологияли - 15,5 %ни (19,8 %) ва қуйи технологиялиси - 79,3 %ни (73,0 %)ни ташкил этди.




Жами ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ- овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг улуши - 16,3 % (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 112,3 %), тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасининг улуши - 17,1 % (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 122,9 %), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши - 2,4 % (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан физик ҳажм индекси 87,2 %)ни ташкил этди.

## Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим турдаги маҳсулотларнинг ўсиш суръати

2021 йилнинг январь-март ойлари давомида ишлаб чиқарадиган саноатда 14,4 минг тонна юмшоқ буғдой ва спелта уни (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 1,5 % га ўсган), 1,3 минг тонна дори воситалари (1,6 %), 18,1 млн донна ичимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун номинал сиғими 2,5 литрдан кам бўлган рангсиз шишадан бутилкалар (4,4 %), 495,3 минг тонна целлюлоза (6,9 %) ишлаб чиқарилиб, юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

**Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан,** *% да*




**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш**

Вилоятда 2021 йил январь-март ойларида жами 18,1 млн донна фармацевтика маҳсулотлари учун шиша идишлар ишлаб чиқарилди. Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 51,8 % га ўсган.

Шунингдек, 2021 йилда энг юқори ишлаб чиқариш суръати март ойида кузатилиб, 18,1 млн донани ташкил этди.

**Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати**

*январь-март ойларида*




**Ишлаб чиқарадиган саноатда, йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

| *Саноат маҳсулотлари* | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Трикотаж кичик ёшдаги болалар учун кийимлар ва болалар кийимларининг аксессуарлари, *минг дона* | 526,0 | 530,0 | 4,0 |
| Дон экинларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган кепак, чигит ва бошқа чиқиндилар, *минг т.* | 6,0 | 5,1 | -0,9 |
| Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озуқа (кўп компонентли аралашмалардан ташқари) *минг т.* | 9,9 | 5,3 | -4,6 |

**Ишлаб чиқарадиган саноатда айрим фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

*млрд. сўм*

| *Иқтисодий фаолият турлари* | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *ФҲИ, % да* |
|---|---|---|---|
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати | 277,4 | 379,8 | 112,3 |
| Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати | 12,7 | 14,7 | 103,6 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати | 339,3 | 398,0 | 122,9 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш саноати | 35,2 | 29,2 | 69,1 |
| Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш саноати | 58,6 | 49,5 | 86,4 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 71,3 | 119,6 | 151,8 |
| Металлургия саноати | 2,4 | 1,3 | 43,4 |
| Машина ва ускуналардан ташкари тайёр металл буюмлар ишлаб чикариш | 74,4 | 8,8 | 69,9 |
| Бошка тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар  ишлаб чикариш | 31,4 | 23,5 | 22,0 |
| Бошқа турдаги транспорт ускуналари ишлаб чиқариш | 0,1 | 0,1 | 100,9 |
| Мебеллар ишлаб чиқариш | 9,2 | 9,0 | 86,1 |

## Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати
*(2021 йил январь-март)*

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилнинг январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,6 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 92,4 % ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 16,3 % ни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 12,3 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 379,8 млрд. сўмни ташкил этди.




## Ичимликлар ишлаб чиқариш саноати
*(2021 йил январь-март)*




Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилнинг январь-март ойларида ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 0,6 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 193,4 % ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 0,6 % ни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 3,6 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 14,7 млрд. сўмни ташкил этди.

## Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати

*(2021 йил январь-март)*

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилнинг январь-март ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 16,6 % ни ташкил этган бўлса, унинг физик ҳажм индекси 108,2 % ни ташкил этган.

Шунингдек, 2021 йилнинг январь-март ойларида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 17,1 % ни, физик ҳажм индекси 22,9 % га ўсган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми 398,0 млрд. сўмни ташкил этди.




## Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш

*(2021 йил январь-март)*

2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,4 % ни ташкил этган, физик ҳажм индекси эса 104,3 % ни ташкил этган.

Шунингдек, 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 0,3 % ни, физик ҳажм индекси 91,8 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 7,2 млрд. сўмни ташкил этди.




## Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш

*(2021 йил январь-март)*




2020 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, резина ва пластмасс буюмлар ишлаб чиқариш саноатининг ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 2,9 % ни ташкил этган, физик ҳажм индекси эса 50,5 % га кўпайган.

Шунингдек, 2021 йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноатдаги улуши 2,1 % ни, физик ҳажм индекси 86,4 % ни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми 49,5 млрд. сўмни ташкил этди.

## Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш
*(2021 йил январь-март)*

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилнинг январь-март ойларида бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши 3,5 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 96,3 % ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 5,1 % ни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 51,8 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 119,6 млрд. сўмни ташкил этди.




## Мебел маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати
*(2021 йил январь-март)*




Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида 2020 йилнинг январь-март ойларида мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 0,5 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 90,2 % ни ташкил этган бўлса, 2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, мебел маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқарадиган саноат таркибидаги улуши 0,4 % ни ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси эса 13,9 % га камайди ва ишлаб чиқариш ҳажми 9,0 млрд. сўмни ташкил этди.

# 3 БЎЛИМ. ЭЛЕКТР, ГАЗ, БУҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАВОНИ КОНДИЦИЯЛАШ
*январь-март ойларида*




Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1,1 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг (49,1 % ини) ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида, саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш, буғ билан таъминлаш тизимлари ва ҳавони кондициялаш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан физик ҳажм индекси 23,6 % га ошганлиги кузатилди.

**Жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши**
*йил бошидан I чоракда, % да*




**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида йирик саноат корхоналари томонидан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

| *Саноат маҳсулотлари* | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Электроэнергия, *млн.кВт/с* | 4375,1 | 4693,1 | 318,0 |
| Иссиқлик энергияси, *минг гкал* | 40,3 | 45,6 | 5,3 |

## 4 БЎЛИМ. СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КАНАЛИЗАЦИЯ ТИЗИМИ, ЧИҚИНДИЛАРНИ ЙИҒИШ ВА УТИЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

*январь-март ойларида*











Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 14,9 млрд.сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 0,6 % ини) ташкил этди.




| *Саноат маҳсулотлари* | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *Фарқи +/-* |
|---|---|---|---|
| Оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, *млн.сўм* | 449,6 | 548,1 | 98,5 |
| Шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқсиз хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар, *млн.сўм* | 3827,4 | 2419,5 | -1407,9 |
| Сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш бўйича хизматлар, *млн.сўм* | 4508,1 | 11401,0 | 6892,9 |

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан шаҳар хўжалигининг қайта фойдаланишга яроқсиз хавфсиз чиқиндиларини йиғиш бўйича хизматлар 36,8 % га пасайиши

кузатилди, шунингдек, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар – 21,9 % га ошганлиги кузатилди.

## 5 БЎЛИМ. ИСТЕЪМОЛ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

*2021 йилнинг январь-март ойларида*

Тайёр маҳсулот турларини кенгайтириш ва ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар натижасида, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 710,8 млрд.сўмни ташкил этди ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 17,1 % га ошган ҳолда, унинг жами саноатдаги улуши 30,6 % ни ташкил этди.




Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида вино ва арок маҳсулотлари 4,1 % (2020 йил январь-март ойларида 5,1 %)ни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Сирдарё туманига тўғри келиб, 31,1 % ни шунингдек, Гулистон шаҳри 20,2 % ни ҳамда Сардоба тумани 8,9 % ни ташкил этди.

Шунингдек, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида вилоят ўсиш суръати (117,1 %) даражасидан юқори кўрсаткич Мирзаобод тумани (148,3 %), Сардоба тумани (143,0 %) ва Сирдарё туманида (132,3 %) қайд этилди.

**Ҳудудлар бўйича истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**

*2021 йилнинг январь-март ойларида*

| Ҳудуд | Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|---|
| Гулистон шаҳри. | 143,3 | 20,2 | 101,5 |
| Оқолтин тумани | 19,6 | 2,8 | 102,1 |
| Ширин шаҳри | 6,4 | 0,9 | 99,4 |
| Сардоба тумани | 63,4 | 8,9 | 143,0 |
| Янгиер шаҳри | 46,6 | 6,6 | 104,4 |
| Сайхунобод тумани | 46,3 | 6,5 | 116,1 |
| Боёвут тумани | 48,1 | 6,8 | 102,6 |
| Сирдарё тумани | 221,3 | 31,1 | 132,3 |
| Гулистон тумани | 15,6 | 2,2 | 100,7 |
| Ховос тумани | 43,2 | 6,1 | 100,4 |
| Мирзаобод тумани | 57,0 | 8,0 | 148,3 |

Ҳудудлар кесимида ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Сирдарё туманига тўғри келиб, 43,8 % ни шунингдек, Гулистон шаҳри 29,1 % ни, Янгиер шаҳри 7,2 % ни, Мирзаобод тумани 5,5 ҳамда Боёвут тумани вилояти 5,5 % ни ташкил этди.

Шунингдек, ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида юқори кўрсаткич Сирдарё туманида (150,7 %), Янгиер шаҳрида (100,6 %) ҳамда Боёвут туманида (100,0 %) қайд этилди.

## Ҳудудлар бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати

**Гулистон шахри**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 105,7 | 29,1 | 96,5 |

**Оқолтин тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 4,4 | 1,2 | 76,8 |

**Ширин шахри**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 3,0 | 0,8 | 92,5 |

**Сардоба тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 5,9 | 1,6 | 72,1 |

**Янгиер шахри**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 26,1 | 7,2 | 100,6 |

**Сайхунобод тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 3,3 | 0,9 | 69,7 |

**Боёвут тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 19,9 | 5,5 | 100,0 |

**Сирдарё тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 159,4 | 43,8 | 150,7 |

**Гулистон тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 3,6 | 1,0 | 83,2 |

**Ховос тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 12,3 | 3,4 | 90,4 |

**Мирзаобод тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 20,0 | 5,5 | 79,2 |

Ҳудудлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг вилоят жами ҳажмидаги энг юқори улуши Сирдарё туманига тўғри келиб, 17,8 % ни шунингдек, Сардоба тумани 16,6 % ни, Сайхунобод тумани эса 12,4 % ни ташкил этди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишининг ўсиш суръатида энг юқори кўрсаткич Мирзаобод тумани (281,9 %), Сардоба тумани (159,2 %) ҳамда Сайхунобод туманида (122,2 %) қайд этилди.

**Ҳудудлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, таркиби ва ўсиш суръати**

*2021 йилнинг январь-март ойларида*

| Ҳудуд | Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|---|
| Гулистон шаҳри. | 37,6 | 10,8 | 118,7 |
| Ширин шаҳри | 3,3 | 1,0 | 106,6 |
| Янгиер шаҳри | 20,5 | 5,9 | 109,8 |
| Боёвут тумани | 28,2 | 8,1 | 104,6 |
| Гулистон тумани | 12,1 | 3,5 | 107,4 |
| Мирзаобод тумани | 36,9 | 10,6 | 281,9 |
| Оқолтин тумани | 15,3 | 4,4 | 112,8 |
| Сардоба тумани | 57,5 | 16,6 | 159,2 |
| Сайхунобод тумани | 43,0 | 12,4 | 122,2 |
| Сирдарё тумани | 47,7 | 17,8 | 101,1 |
| Ховос тумани | 30,8 | 8,9 | 105,1 |

## Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш
*2021 йилнинг январь-март ойларида*

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 285,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги тутган улуши 12,3 % ни ташкил этди.

## 6 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИ КЕСИМИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМЛАРИ

**Сирдарё вилояти** *

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 2323,9 | 100,0 | 110,6 |

**Гулистон шаҳри.**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 217,5 | 9,4 | 106,5 |

**Оқолтин тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 149,0 | 6,4 | 113,8 |

**Ширин шаҳри**

| Млрд. сум | Улуши % да | Ўсиш суръати |
|---|---|---|
| 1066,5 | 45,9 | 113,9 |

**Сардоба тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 79,2 | 3,4 | 123,3 |

**Янгиер шаҳри**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 121,3 | 5,2 | 75,2 |

**Сайхунобод тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 101,4 | 4,4 | 87,8 |

**Боёвут тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 106,4 | 4,6 | 125,2 |

**Сирдарё тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 265,3 | 11,4 | 94,0 |

**Гулистон тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 70,9 | 3,1 | 110,6 |

**Ховос тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 52,9 | 2,3 | 100,3 |

**Мирзаобод тумани**

| Млрд. сўм | Улуши % да | Ўсиши % да |
|---|---|---|
| 93,6 | 4,0 | 92,5 |

**Туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси, истеъмол маҳсулотлари**

* *Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда*

**ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати *% да***

Вилоят саноат ишлаб чиқариши физик ҳажми индексининг кўпайишининг, Боёвут тумани (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 125,2 %), Сардоба тумани (123,3 %), Ширин шаҳри (113,9 %) ҳамда Оқолтин тумани (113,8 %) саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари физик ҳажми индексининг сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.




Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Боёвут тумани (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 125,2 %), Сардоба тумани (123,3 %), Ширин шаҳри (113,9 %) ва Оқолтин тумани (113,8 %) ҳамда Гулистон туманида (110,6 %) сезиларли даражада ошди.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тақсимланиши, йирик саноат корхоналари жойлашганлиги ҳисобига Ширин шаҳри (56 395,7 минг сўм), Оқолитн тумани (2711,4 минг сўм) ва Янгиер шаҳри (2736,4 минг сўм) ўртача вилоят даражаси кўрсаткичидан (2694,5 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш**

*2021 йилнинг январь-март ойларида, минг сўм*

| Ҳудуд | Саноат маҳсулотлари | Истеъмол маҳсулотлари |
|---|---|---|
| Сирдарё вилояти | 2694,5 | 824,1 |
| Гулистон шаҳри. | 2375,9 | 1566,6 |
| Оқолтин тумани | 2811,4 | 370,7 |
| Ширин шаҳри | 56395,7 | 336,4 |
| Сардоба тумани | 1180,8 | 945,0 |
| Янгиер шаҳри | 2736,4 | 1051,7 |
| Сайхунобод тумани | 1290,7 | 588,6 |
| Боёвут тумани | 806,8 | 364,7 |
| Сирдарё тумани | 2036,9 | 1698,2 |
| Гулистон тумани | 952,9 | 210,1 |
| Ховос тумани | 544,1 | 444,0 |
| Мирзаобод тумани | 1241,9 | 756,8 |

## Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик субектлари томонидан 763,3 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 32,9 % ни ташкил этди.






Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Сардоба туманида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Гулистон тумани (100,0 %), Боёвут тумани (90,3 %), Сайхунобод тумани (81,4 %)  ҳамда Ховос (79,0 %) туманларида кузатилди.

Вилоят туман ва шаҳарлар кесимида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кичик бизнес субектларининг улуши таҳлили шуни кўрсатдики, Янгиер шаҳри (41,2 %), Мирзаобод тумани (36,5 %), Оқолтин тумани (39,6 %) ва Ширин шаҳрида (0,6 %) саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги кичик бизнес субектлари улушининг камлигини, мазкур ҳудуларда жойлашган йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмлари юқори эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

**Вилоятда фаолият кўрсатаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари**

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра)*

Бугунги кунда вилоятда 2123 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда, шундан 553 таси (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий сонининг 26,0 % и) Гулистон шаҳрига, 368 таси (17,3 %) Сирдарё тумани, 181 таси (8,5 %) Янгиер шаҳрига тўғри келмоқда.




2021 йилнинг январь-март ойида вилоятда 157 та янги саноат корхоналари ташкил этилди, шулардан 39 таси (жами янги ташкил этилган саноат корхоналари ҳажмидаги улуши 40,2 %) Гулистон шаҳрида, 32 таси (33,0 %) Сирдарё туманида, 13 таси (13,4 %) Гулистон туманида, 13 таси (13,4 %) Мирзаобод туманида, 12 таси (12,3 %) Боёвут туманида ташкил этади.

**Шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари**

*2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра*

Бугунги кунда шаҳар ва туманлар кесимида фаолият кўрсатаётган энг кўп саноат корхоналари жойлашган ҳудудлар 4 талигида Гулистон шаҳри (553 та), Сирдарё тумани (368 та), Янгиер шаҳри (181 та) ҳамда Боёвут (163 та) туманларида қайд этилди.







2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, вилоятда фаолият кўрсатаётган энг кам саноат корхоналари жойлашган худудлар 4 талигига эса Оқолтин тумани (135 та) Гулистон тумани (133 та), Сардоба тумани (89 та) ҳамда Ширин шаҳри (59 та) қайд этилди.

## 7 БЎЛИМ. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

*2021 йилнинг январь-март ойларида*

Вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръатларига эришишда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазкур дастур доирасида киритилган 34 та лойиҳа бўйича 55,7 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан 1328,1 минг. АҚШ доллари миқдорида экспорт қилинди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2021 йилнинг январь-март ойларида 481 та янги иш ўринлари яратилди ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда янги ташкил этилган иш ўринлари сони 4,5 % бараварга кўпайган. Шу билан бирга, 2020

йилнинг январь-март ойларига нисбатан маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорти ҳажмининг ошганлиги кузатилди.

**Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари**

| | ***2020 йил январь-март*** | ***2021 йил январь-март*** |
|---|---|---|
| Лойиҳалар сони, *бирликда* | 14 | 34 |
| Корхоналар сони, *бирликда* | 16 | 17 |
| Ишлаб чиқариш ҳажми, *млн. сўм* | 23,2 | 55,7 |
| Экспорт қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, *минг. АҚШ доллари* | 428,3 | 1328,1 |
| Яратилган янги иш ўринлари, *бирликда* | 127 | 481 |

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми** – корхона томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, ярим тайёр, четга сотишга мўлжалланган, носаноат бўлинмаларга ва капитал қурилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади: ишлаб чиқарилиши ҳисобот даврида тугалланмаган узоқ муддатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар; саноат тусидаги ишлар (хизматлар).

**Саноат ишлаб чиқаришида ўзгариш индекслари** – солиштирма даврларда маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) физик ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткичдир.

**Истеъмол моллари –** асосан шахсий истеъмол ёки фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланадиган саноат маҳсулотлари; истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда (ҚҚС ва акцизлар бундан мустасно) ҳисоблаб чиқилади.

**Натура кўринишида саноат ишлаб чиқариши ҳажми** – бошқа корхоналарга жўнатиш учун ёки ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларни, шу жумладан, корхонанинг саноат эҳтиёжлари учун сарфланган маҳсулотларни ўз ичига олади, яъни ялпи маҳсулот.

**Ишлаб чиқаришни технологик ривожланиш даражасига кўра гуруҳлаш** Евростат технологик фаолиятининг таснифи асосида ишлаб чиқилган.

**Маҳаллийлаштириш даражаси** – ишлаб чиқаришда ишлатиладиган маҳаллий материаллар, меҳнат ва интеллектуал ресурсларнинг улушини белгилайди; маҳаллийлаштириш даражасини ҳисоблашда харажатлар, солиқ тўловлари ва ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор бўлмаган бошқа имтиёзлар ҳисобга олинмайди.

**Маҳсулот сотиш ҳажми** – савдо нархларида келтирилади (ҚҚС ва акциялар бундан мустасно).

**Миллий валютада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг қиймати** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ҳисоб-китоб қилган ҳолда тўлдирилади.

# III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

## 1 БЎЛИМ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАР ҲАЖМИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 932,0 млрд. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 820,6 млрд. сўмни, ўрмон хўжалиги – 97,3 млрд. сўмни, балиқчилик хўжалиги – 14,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

**Сирдарё вилоятининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот – (хизмат)ларининг умумий ҳажми**




**Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар — 820,6 млрд. сўм**




**Ўрмон хўжалиги — 97,3 млрд. сўм**




**Балиқчилик хўжалиги — 14,1 млрд. сўм**

***Маълумот учун:***

*ЯҲМ (ЯКҚ) таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 22,2 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқнинг ЯҲМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,2 ф.п.ни ташкил этди.*



## Сирдарё вилоятининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажмининг ўсиш суръати, %




**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги**

2021 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,7 % ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 100,6 % ни, ўрмон хўжалиги – 101,9 % ни, балиқчилик хўжалиги – 100,3 % ни ташкил қилди.

***Маълумот учун:***

*Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь – март ойларида тармоқнинг ижобий ўсиш суръатига асосан қуйидаги маҳсулотларнинг 2020 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръати қайд этилганлиги орқали эришилди.*

- ✓ *Сабзавотлар — 101,2 %*
- ✓ *Сут — 101,0 %*
- ✓ *Жун — 101,0 %*
- ✓ *Гўшт — 100,2 %*



## Сирдарё вилоятининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг тақсимланиши, *(% да)*




2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 88,0 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар (2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 100,6 %), 10,5 % и – ўрмон хўжалиги (101,9 %) ва 1,5 % и – балиқчилик хўжалиги (100,3 %) ҳиссасига тўғри келади.



## Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ҳажми, *млрд. сўм*



2021 йилнинг январь-март ойларида худудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Боёвут (153,0 млрд. сўм), Сайхунобод (129,1 млрд. сўм) ва Сардоба (122,3 млрд. сўм) туманларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Янгиер (4,6 млрд. сўм), Ширин (4,8 млрд. сўм) ва Гулистон (19,2 млрд. сўм) шаҳарларини келтириб ўтиш мумкин.

***Маълумот учун:***

*Боёвут туманининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми бўйича вилоятда етакчи ўринни эгаллаши, мазкур ҳудуднинг гўшт, сут, балиқ, сабзавотлар каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудлар орасида юқори улушга эга бўлганлиги билан изоҳланади.*

*Аксинча Янгиер шаҳрининг гўшт, балиқ, ҳамда сабзавот каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудлар орасида кам улушга эга эканлигини қайд этиш лозим.*



## Ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг ўсиш суръати (% да)



Юқори ўсиш суръатлари Гулистон (101,4 %), Сайхунобод (101,0 %), Сирдарё (101,0 %), Ховос (100,9 %), туманларида кузатилди. Бошқа ҳудудлар билан солиштирганда Гулистон, шаҳар (95,2 %), Сардоба (100,4 %), Оқолтин туманларида эса аксинча (100,6 %), ўсиш суръатлари пастлиги қайд этилди.

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот-(хизмат)лари умумий ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши *(% да)*




Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида энг юқори ва энг кам улушга эга ҳудудлар:



## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари



***Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари*** *– ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.*

2021 йилнинг январь – март ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 816,3 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,5 % ни ташкил этди, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 67,9 млрд. сўмни (103,8 %), чорвачилик маҳсулотлари – 748,4 млрд. сўмни (100,3 %) ташкил қилди.

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг улуши, (% да)







**8,3 %**

**Деҳқончилик маҳсулотлари**

**91,7 %**

**Чорвачилик маҳсулотлари**

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (% да)




| Деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юқори улушга эга ҳудудлар | Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда юқори улушга эга ҳудудлар |
|---|---|
| 01 Гулистон | Гулистон ш 01 |
| 02 Сирдарё | Янгиер ш 02 |
| 03 Ширин ш | Оқолтин 03 |



# Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши







| 8,1% | 89,6% | 2,3% |
|---|---|---|
| **Фермер хўжаликлари** | **Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари** | **Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар** |

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 89,6 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 8,1 % и – фермер хўжаликларига, 2,3 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда.



***Маълумот учун:***

*Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг улуши қуйидагича:*

- ✓ *Гўшт (тирик вазнда)* — *96,0 %*
- ✓ *Сут* — *93,5 %*
- ✓ *Тухум* — *86,1 %*
- ✓ *Сабзавотлар* — *78,3 %*

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши, (% да)




2021 йилнинг январь-март ойлари якунларига кўра, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер хўжаликларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Гулистон туманида (17,4 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг юқори улуши Янгиер шаҳрида (98,9 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Гулистон шаҳрида (38,1 %) қайд этилди.

Фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Гулистон шаҳрида (0,0 %), Ширин шаҳрида (0,0 %), Янгиер шаҳрида (0,0 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларининг энг кам улуши Гулистон шаҳрида (61,9 %), қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Оқолтин туманида (0,0 %), Боёвут туманида (0,4 %), Сайхунобод туманида (0,4 %), қайд этилди.

## Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда хўжалик тоифаларининг улуши

### Деҳқончилик маҳсулотлари




### Чорвачилик маҳсулотлари




**Фермер хўжаликлари**

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари**

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар**

# 2 БЎЛИМ. ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

2021 йилнинг январь-март ойларида етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 67,9 млрд.сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 103,8 % ни ташкил этди. Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 8,3 % ни ташкил қилди.

**Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, *минг т.***

Дон экинлари | шундан, бошоқли дон | Картошка

Сабзавотлар | Полиз экинлари | Мева ва резаворлар | Узум




2021 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 1,2 минг т. сабзавотлар (101,2 % га кўп), етиштирилди.

**Деҳқончилик маҳсулотларининг ўсиш суръати, % да**





# Сабзавотлар

**Ҳажми, т.**




**Ўсиш суръати**




**Етиштирилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







Сабзавот етиштиришнинг энг катта ҳажми 968,0 т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 78,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди.

Энг кам ҳажм 89,0 т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 7,2 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда кузатилди.

2020 йилнинг мос даврига нисбатан, фермер хўжаликларида 100,6 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 101,3 %, шунингдек, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 102,3 % ўсиш кузатилди.



## ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА САБЗАВОТЛАР ЕТИШТИРИШ




Ҳудудлар ўртасида сабзавот етиштириш таркибининг асосий қисмини Гулистон тумани эгалламоқда, унинг улуши 28,0 % га тенг бўлди. Шунингдек, юқори улуш Сирдарё (27,0 %), Боёвут (12,9 %), Сайхунобод (10,5 %), туманларида қайд этилди.

Паст кўрсаткичлар Янгиер (0,0 %), Гулистон (0,0 %) ва Ширин (2,5 %) шаҳарларида кузатилди.

Юқори ўсиш суръатлари Оқолтин (101,4 %), Боёвут (101,3 %), Сайхунобод (101,3 %) ва Гулистон (101,3 %) туманларида қайд этилди.





# 3 БЎЛИМ. ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ

2021 йилнинг январь-март ойларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажми 748,4 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 100,3 % ни ташкил қилди. Жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 91,7 % ни ташкил этди.




Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг изчил амалга ошириб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли кўмак кўрсатиб келинаётганлиги чорва моллари ва паррандалари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

2021 йилнинг январь-мартида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 14,0 минг т. гўшт тирик вазнда (2020 йилнинг январь - мартига нисбатан 0,2 % га кўп), 51,7 минг т. сут (1,0 % га кўп), 33,7 млн. дона тухум (96,3 % га), 100,0 т. жун (1,0 % га кўп), етиштирилди ва 1003,0 т. балиқ (0,3 % га кўп) овланди.



# Гўшт (тирик вазнда)













2021 йилнинг январь - март ойларида гўшт етиштириш тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлил натижаларига асосан, гўшт етиштиришнинг энг катта ҳажми 13,4 минг т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 96,0 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилганлигини таъкидлаш лозим.

Кўрсатиб ўтилган даврларда, гўшт етиштиришнинг энг кам ҳажми 0,2 минг т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 1,5 % и фермер хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда кузатилди.

2020 йилнинг мос даври билан солиштирганда, 2021 йилда деҳқон хўжаликларида 0,8 % ўсиш кузатилди.



# ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА ГЎШТ (ТИРИК ВАЗНДА) ЕТИШТИРИШ






| **Юқори улушга эга ҳудудлар** | **Паст улушга эга ҳудудлар** |
|---|---|
| Боёвут тумани **17,3** % | Ширин шаҳри **0,6** % |
| Сайхунобод тумани **15,1** % | Янгиер шаҳри **0,7** % |
| Сардоба тумани **15,1** % | Гулистон шаҳри **2,5** % |
| Сирдарё тумани **12,0** % | Ховос тумани 7,6 % |





# Сут

Ҳажми, минг т.




Ўсиш суръати




**Етиштирилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**




Хўжалик тоифалари орасида сут етиштиришнинг энг катта ҳажми 48,3 минг т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 93,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди.

2021 йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича энг кам ҳажм 1,7 минг т. ёки умумий етиштириш ҳажмидан 1,7 % и фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда кузатилди.

2020 йилга нисбатан кўрсатиб ўтилган даврларда, фермер хўжаликларида 0,2 %, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 0,8 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 6,4 % ўсиш кузатилди.



## ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА СУТ ЕТИШТИРИШ

**Ҳажми, минг т.** | **Вилоятнинг умумий ҳажмига нисбатан улуши, % да**






| Юқори улушга эга ҳудудлар | Паст улушга эга ҳудудлар |
|---|---|
| Боёвут тумани **17,8** % | Ширин шаҳри **0,2** % |
| Гулистон тумани **13,0** % | Янгиер шаҳри **0,2** % |
| Сайхунобод тумани **12,0** % | Гулистон шаҳри **3,2** % |
| Сирдарё тумани **11,6** % | Сардоба тумани **10,3** % |





# Тухум

**Ҳажми, млн. дона**




**Ўсиш суръати**




**Етиштирилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







Бошқа тоифадаги хўжаликларга нисбатан таққосланганда, тухум етиштиришнинг энг катта ҳажми 33,7 млн. дона ёки умумий етиштириш ҳажмидан 86,1 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида қайд этилди.

2021 йилнинг январь-март ойларида, етиштиришнинг энг кам ҳажми 0,4 млн. дона ёки умумий етиштириш ҳажмидан 1,2 % и фермер хўжаликларида кузатилди.

2020 йилга нисбатан, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 1,3 % ўсиш кузатилди.



# ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА ТУХУМ ЕТИШТИРИШ






| Юқори улушга эга худудлар | Паст улушга эга худудлар |
|---|---|
| Сардоба тумани **24,2** % | Ширин шаҳри **0,5** % |
| Мирзаобод тумани **14,2** % | Янгиер шаҳри **0,5** % |
| Гулисто тумани **12,3** % | Оқолтин тумани **7,3** % |
| Сайхунобод тумани **9,5** % | Ховос тумани **7,3** % |





# Балиқ

**Ҳажми, т.**




**Ўсиш суръати**




**Етиштирилган маҳсулотнинг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







Балиқ овлаш кўрсаткичларини хўжалик тоифалари бўйича таҳлил қилиш жараёнида, овланган балиқлар ҳажмининг асосий қисми 711 т. ёки умумий овланган ҳажмидан 70,9 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда қайд этилди.

2021 йилнинг январь - март ойлари натижалари бўйича балиқ овлашнинг энг кам ҳажми 42,0 т. ёки умумий овланган ҳажмидан 4,2 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида кузатилди.

2020 йилга нисбатан, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида 102,4 % ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда 101, % ўсиш кузатилди.



## ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА ОВЛАНГАН БАЛИҚЛАР






| Юқори улушга эга ҳудудлар | Паст улушга эга ҳудудлар |
|---|---|
| Мирзаобод тумани **79,3** % | Ширин шаҳар **0,0** % |
| Боёвут тумани **7,3** % | Гулистон шаҳар **0,0** % |
| Гулистон тумани **5,5** % | Янгиер шаҳар **0,0** % |
| Ховос тумани **2,8** % | Оқолтин тумани **0,6** % |





# 4 БЎЛИМ. ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА ПАРРАНДАЛАР БОШ СОНИ, МИНГ БОШ

| Йирик шохли қорамоллар | шундан, сигирлар | Қўй ва эчкилар | Отлар | Паррандалар |
|---|---|---|---|---|
| 01 | 02 | 03 | 04 | 05 |
| 422,8 | 141,5 | 290,4 | 15,0 | 2225,0 |
| 101,9% | 102,2% | 100,9% | 100,1% | 98,7% |



2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларнинг хўжалик тоифалари бўйича таҳлили, йирик шохли қорамолларнинг 5,7 % и фермер хўжаликлари, 92,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 1,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келганини қайд этиш лозим. Мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 9,4 % и фермер хўжаликлари, 89,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, 1,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди, шунга мос равишда отларнинг умумий сонидан 13,6 % и фермер хўжаликларига, 85,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 0,7 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек, паррандалар умумий сонидан 4,0 % и фермер хўжаликларига, 65,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 30,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ҳиссасига тўғри келди.



# Йирик шохли қорамоллар

**Сони, минг бош**




**Ўсиш суръати**




**Жами бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- йирик шохли қорамолларнинг умумий сони 422,8 минг бошга етди.

- йирик шохли қорамоллар бош сони 2020 йил 1 апрелга нисбатан 8,0 минг бошга (1,9 %) кўпайди.

- йирик шохли қорамоллар бош сонининг 92,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Йирик шохли қорамоллар, *(минг бош)*

Йирик шохли қорамоллар умумий бош сонининг энг катта улуши Боёвут туманига (16,6 %) тўғри келади. Шунингдек, юқори улуш Сайхунобод (15,7 %) Гулистон (11,4 %), туманларида қайд этилди.

Шу билан бирга, йирик шохли қорамоллар умумий бош сонидаги энг паст улуш Ширин (0,9 %) ва Янгиер (1,3 %) шаҳарларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, 2020 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (103,1 %), Ховос (102,9 %), Боёвут (102,9 %) туманларида қайд этилди.






## Вилоят бўйича йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сонига нисбатан ҳудудларнинг улуши





# Сигирлар

**Сони, минг бош**




**Ўсиш суръати**




**Жами бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- сигирларнинг умумий сони 141,5 минг бошга етди.

- сигирлар бош сони 2020 йил 1 апрелга нисбатан 3,1 минг бошга (2,2 %) кўпайди.

- сигирлар бош сонининг 92,0 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Сигирлар, *(минг бош)*




Ҳудудлар ўртасида сигирлар умумий бош сонининг энг кўп қисми Боёвут туманига (24,0 %) тўғри келди.

Бундан ташқари, юқори улуш Сайхунобод (23,1 %), Ховос (17,6 %) ва Гулистон (14,8 %), туманларида қайд этилди.

Сигирлар умумий бош сонининг энг кам улуши Янгиер (1,0 %) ва Ширин (1,6 %) шаҳарларида кузатилди.

Бошқа худудлар билан таққослангандa, энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (104,2 %), Сайхунобод (103,4 %) ва Ховос (103,0 %) туманларида қайд этилди.



## Вилоят бўйича сигирларнинг умумий бош сонига нисбатан ҳудудларнинг улуши





# Қўй ва эчкилар

**Сони, минг бош**




**Ўсиш суръати**




**Жами бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**







2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- қўй ва эчкиларнинг умумий сони 290,4 минг бошга етди.

- қўй ва эчкилар бош сони 2020 йил 1 апрелга нисбатан 2,6 минг бошга (0,9 %) кўпайди.

- қўй ва эчкилар бош сонининг 89,3 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Қўй ва эчкилар, *(минг бош)*

Ҳудудлар кесимида қўй ва эчкилар умумий бош сонининг энг катта улуши Боёвут туманига (19,6 %) тўғри келади.

Шу билан бир қаторда, юқори улуш Ховос (16,7 %), Мирзаобод (11,1 %),) ва Сардоба (10,6 %) туманларида қайд этилди.

Қўй ва эчкилар умумий бош сонининг энг кам улуши Ширин (1,3 %) ва Янгиер (2,3 %) шаҳарларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққослангандa, 2020 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (101,8 %), Гулитон (101,6 %) ва Ховос (101,0 %) туманларида қайд этилди.






## Вилоят бўйича қўй ва эчкилар умумий бош сонига нисбатан ҳудудларнинг улуши





# Отлар

## Сони, бош




## Ўсиш суръати




## Жами бош сонининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши







2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- отларнинг умумий сони 14 955 бошга етди.
- отлар бош сони 2020 йил 1 апрелга нисбатан 17 бошга (100,1 %) кўпайди.
- отлар бош сонининг 85,7 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.



## Отлар, *(бош)*




Ҳудудлар ўртасида отлар умумий бош сонининг энг катта улуши Сайхунобод (23,5 %) тўғри келади. Шу каби, юқори улуш Боёвут (17,5 %), Сирдарё (13,1 %) ва Гулистон (14,6 %) туманларида қайд этилди.

Отлар умумий сонининг энг кам улуши Ширин (0,5 %) ва Янгиер (0,8 %) шаҳарларида кузатилди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, энг юқори ўсиш суръатлари Сирдарё (100,5 %), Боёвут (100,4 %), Ховос (100,3 %) туманларида қайд этилди.



## Вилоят бўйича отларнинг умумий бош сонига нисбатан ҳудудларнинг улуши





# Паррандалар










2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, барча тоифадаги хўжаликларда:

- паррандаларнинг умумий сони 2225,0 минг бошга етди.

- паррандалар бош сони 2020 йил 1 апрелга нисбатан 29,1 минг бошга (98,7 %) камайди.

- паррандалар бош сонининг 65,4 % и деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келди.

## Паррандалар, *(минг бош)*

Ҳудудлар бўйича паррандалар умумий бош сонининг энг кўп қисми Гулистон шаҳрида (20,6 %) тўғри келди, шунингдек, Сардоба (18,8 %), Сирдарё (11,8 %) ва Мирзаобод (10,9 %) юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича паррандалар умумий бош сонининг энг кам қисми Ширин (0,6 %) ва Янгиер (1,2 %) шаҳарларига тўғри келди.

Бошқа ҳудудлар билан таққосланганда, 2020 йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръатлари Сайхунобод (100,0 %), Гулистон (100,0 %) туманларида қайд этилди.




## Вилоят бўйича паррандаларнинг умумий бош сонига нисбатан ҳудудларнинг улуши



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** – ҳисобот даврида фермер хўжаликларида, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қийматини белгилаб, қишлоқ хўжалигида етиштиришнинг умумий ҳажмини ифодалайди.

**Деҳқончилик маҳсулоти** – ҳисобот даврида етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ялпи ҳосили ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг қийматини ҳамда кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш қиймати ва йил бошидан йил охиригача тугалланмаган етиштириш қийматларининг ўзгариши йиғиндисидир.

**Чорвачилик маҳсулоти** – моллар, паррандалар ва бошқа чорва молларини ўстириш, сут, тухум, жун, асал ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қийматларини ўз ичига олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми индексларини ҳисоблашда уларнинг солиштирма нархлардаги қийматидан фойдаланилади.

**Овчилик** - овчилик ва ёввойи ҳайвонларни тутиш, бу соҳаларда хизмат кўрсатиш шунингдек, парваришхона ва фермаларда ҳайвонларни сақлаш, кўпайтириш ва даволаш ҳаражатлари ҳисобга олинади.

**Ўрмон хўжалиги** – ўрмон ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш каби фаолият турларини ўз ичига олади. Ўрмон хўжаликлари томонидан олиб борилаётган ишлар ўрмонларнинг ҳолатини яхшилаш, уларни узлуксиз янгилаш, зараркунандалар, касалликлар ва ноқонуний кесишдан ҳимоя қилиш, санитария ва ёнғинга қарши дастурларни ишлаб чиқариш киради. Ўрмон хўжалиги маҳсулотларига терак, эман, қайин, сосна, қорақарағай ва бошқа шу каби дарахтлар кўчатларини олиш ва етиштириш ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек, ёввойи ҳолда ўсувчи қўзиқорин ва трюфеллар, резавор мевалар, ёнғоқлар ва бошқаларни териб олингани ушбу тармоқда ҳисобга олинади.

**Балиқ хўжалиги** – овланган балиқ, сув биоресурслари ва аквакультура соҳаларининг маҳсулоти ва кўрсатилган хизматлар ҳажмини шунингдек, ушбу соҳани ривожлантириш, захираларни кўпайтириш ва яхшилашни ўз ичига олади.

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг йиғилган ялпи ҳосили** қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, фермер ва деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида асосий ва такрорий, боғларнинг қатор ораларидаги қишлоқ хўжалиги экинларидан йиғиб олинган маҳсулотлар ҳажмини ўз ичига олади.

**Фермер хўжаликлари** - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

**Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари** – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

**Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилувчи, хўжалик юритиш жараёнида ерга ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мулкларига эгалик қилувчи юридик шахс ҳуқуқига эга хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

**Моллар бош сони** - хўжалик тоифалари бўйича барча ёш гуруҳларидаги асосий турдаги чорва молларини ўз ичига олади (йирик шохли қорамоллар, шу жумладан сигирлар, қўй ва эчкилар, чўчқалар ва ҳ.к.)

**Гўшт етиштириш -** сўйиш учун сотилган ҳамда ўз хўжалигида сўйилган барча турдаги қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларнинг тирик вазнини ўз ичига олади.

**Сут етиштириш -** ёш молларга ичириш учун соғиб олинган сут ва оғиз сутини қўшган ҳолда, ҳақиқатда соғиб олинган сигир, эчки, қўй, бия ва туя сутлари билан аниқланади. Бузоқлар эмган сут ялпи етиштиришга киритилмайди.

**Тухум етиштириш -** барча турдаги паррандалардан олинган ҳамда курк товуқлар билан ва инкубаторда жўжа очиш учун сарфланган тухумлар миқдорини ўз ичига олади.

**Жун етиштириш -** хўжаликнинг ички эҳтиёжларига сарфланганини ҳамда жунни сақлаш ва ташиш жараёнида йўқотилганини қўшган ҳолда, қўй, эчки, туялардан ҳақиқатда қирқиб олинган натура вазндаги (қирқиб олингандан кейинги вазнда) барча жунларни ўз ичига олади, бунга туллаш жуни, эчки тивити ҳамда такрорий қирқиб олинган жунлар ҳам қўшилади.

# IV. ИНВЕСТИЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2021 йилнинг январь-март ойларида Сирдарё вилоятида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1205,2 млрд. сўм, (доллар эквивалентида 114,7 млн. АҚШ долл.) асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,5 % ни ташкил қилди.

*Асосий капиталга инвестициялар йиллар бўйича динамикасини кузатадиган бўлсак, 2005 йилда – 0,05 трлн. сўм ёки 6,9 % ўсишни, 2010 йилда – 0,4 трлн. сўм ёки 66,2 % ўсишни, 2015 йилда – 1,0 трлн. сўм ёки 2,5 % ўсишни ташкил этган.*

**Асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, % да**




2021 йилнинг январь-март ойларида жами асосий капиталга инвестицияларнинг катта қисми вилоятнинг 3 (уч) та ҳудудида жумладан, Гулистон (вилоят жами инвестициялардаги улуши 21,9 %), Ширин (24,1 %) шаҳарлари ҳамда Сирдарё (29,6 %) туманларида ўзлаштирилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари Гулистон шаҳарда (ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 2,7 м., асосий капиталга инвестициялар ҳажми 264,4 млрд. сўм) ҳамда Сирдарё (2,1 м., 356,3 млрд. сўм), Гулистон (161,9 % , 48,0 млрд. сўм) ва Сайҳунобод (118,5 %, 66,7 млрд. сўм)  туманларида кузатилди.

## Аҳоли жон бошига киритилган инвестициялар ҳажми ва ўсиш суръатлари

*(2021 йил январь-март ойларида)*

| Ҳажми, минг сўмда | Ўсиш суръати, % да |
|---|---|







2021 йилнинг январь-мартида аҳоли жон бошига ҳисобланган асосий капиталга инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсаткичлар Ширин (15363,7 минг. сўм) ва Гулистон (2889,9 минг сўм) шаҳарларида ҳамда Сирдарё (2734,4 минг сўм) туманларида қайд этилди.

## 2021 йилнинг январь-март ойларида асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши

| | *Млрд. сўм* | *Ўсиш суръати % да* | *Жамига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Асосий капиталга инвестициялар** | **1205,2** | **108,5** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | |
| **Марказлашган инвестициялар** | **337,5** | **96,7** | **28,0** |
| бюджет маблағлари | 38,2 | 124,5 | 3,2 |
| Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар | 273,5 | 87,3 | 22,7 |
| Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | 25,8 | - | 2,1 |
| Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | - | - | - |

| | Млрд. сўм | Ўсиш суръати % да | Жамига нисбатан % да |
|---|---|---|---|
| **Марказлашмаган инвестициялар** | **867,7** | **114,0** | **72,0** |
| корхона маблағлари | 266,0 | 158,1 | 22,1 |
| аҳоли маблағлари | 59,9 | 117,1 | 5,0 |
| тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар | 236,2 | 88,9 | 19,6 |
| тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | 305,6 | 110,7 | 25,4 |

**Марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар ҳажмидаги улуши, *% да***




Марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 96,7 % ни ташкил этиб, 337,5 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 28,0 % ни ташкил қилди.

Марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 114,0 % ни ташкил этиб, 867,7 млрд. сўмга етди. Жами инвестициялар ҳажмида эса марказлашмаган молиялаштириш манбалари ҳисобидан киритилган инвестициялар ҳажмининг улуши 72,0 % ни ташкил қилди.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашган молиялаштириш манбалари улуши %да**



2021 йилнинг январь–март ойларида ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар улуши 6,6 пунктга камайди.

2021 йилнинг январь–март ойлари давомида Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги кредитлар юқори ўсиш суръатларига эришишига асосий сабаб бўлиб *"Сирдарё ИЭС" АЖда* йирик лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобланади.

**Асосий капиталга инвестицияларнинг марказлашмаган молиялаштириш манбалари улуши % да**




Марказлашмаган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаалари асосан тўғридан–тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар (жами инвестициялар ҳажмига нисбатан 19,6 %) ҳамда корхона ва аҳоли маблағлари (27,1 %), тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари (25,4 %) ҳисобига тўғри келди.

***Тўғридан–тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига қуйидаги йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилди:***

*Сирдарё туманида «SIRDARYO MEGA LYUKS» МЧЖҚК томонидан 2021 йил январь-март ойларида 11,6 млн. АҚШ доллар миқдорида асосий капиталга йўналтирилган.*

*Сардоба ва Оқолтин туманида «Индорама Агро» МЧЖ ҚК томонидан 2021 йил январь-март ойлари давомида 2,0 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб асосий капиталга йўналтирилган.*

*Сардоба туманида «SJP Salex Group» МЧЖ ХК томонидан 2021 йил 1-чораги давомида 1,0 млн. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, асосий капиталга йўналтирилган.*

## Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркиби

| | Жами инвести-циялар, млрд.сўм | шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Республика бюджети | Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси | Корхона ва аҳоли маблағи | Тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари | Хорижий инвестиция ва кредитлар | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси |
| **Сирдарё вилояти** | **1205,2** | **38,2** | **-** | **325,9** | **305,6** | **509,7** | **25,8** | **-** |
| шаҳарлар | | | | | | | | |
| Гулистон | 264,4 | 26,2 | - | 78,0 | 57,2 | 77,2 | 25,8 | - |
| Ширин | 290,4 | 0,3 | - | 34,9 | 78,2 | 177,0 | - | - |
| Янгиер | 17,0 | 0,1 | - | 6,5 | 5,2 | 5,2 | - | - |
| туманлар | | | - | | | | | |
| Боёвут | 29,5 | 0,2 | - | 11,5 | 17,1 | 0,7 | - | - |
| Гулистон | 48,0 | 0,0 | - | 23,0 | 12,3 | 12,7 | - | - |
| Мирзаобод | 56,0 | 4,9 | - | 17,2 | 7,2 | 26,8 | - | - |
| Оқолтин | 28,5 | 0,4 | - | 9,6 | 8,4 | 10,1 | - | - |
| Сардоба | 34,1 | 4,3 | - | 5,2 | 4,1 | 20,6 | - | - |
| Сайхунобод | 66,7 | 0,8 | - | 30,1 | 15,6 | 20,2 | - | - |
| Сирдарё | 356,3 | 1,0 | - | 104,1 | 91,9 | 159,2 | - | - |
| Ховос | 14,0 | 0,0 | - | 5,6 | 8,4 | - | - | - |

**Асосий капиталга инвестицияларнинг мулкчилик шакллари бўйича технологик таркиби**
(*2021 йил январь-март*)

| | *Жами* | *Давлат* | *Нодавлат* |
|---|---|---|---|
| **Жами, *млрд. сўм*** | **1205,2** | **65,7** | **1139,5** |
| *шу жумладан жамига нисбатан, % да:* | | | |
| қурилиш – монтаж ишлари | 23,4 | 64,2 | 21,1 |
| машина, ускуна, инвентар | 71,8 | 22,3 | 74,6 |
| бошқа харажатлар | 4,8 | 13,5 | 4,3 |

Асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркибида: вилоят бўйича қурилиш – монтаж ишларининг улуши – 23,4 % ни, машина, ускуна, инвентар сотиб олишга харажатлар – 71,8 % ни ҳамда бошқа харажатлар улуши – 4,8 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар**

| | *Млрд. сўм* | *Жамига нисбатан, % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *2021 йил январь-март* | *2020 йил январь-март* |
| **Асосий капиталга инвестициялар - жами** | **1205,2** | **100** | **100** |
| *шу жумладан иқтисодий фаолият турлари бўйича:* | | | |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 178,6 | 14,8 | 22,7 |
| Тоғ - кон саноати | 19,9 | 1,7 | - |
| Ишлаб чиқариш саноати | 443,9 | 36,8 | 31,9 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 302,8 | 25,1 | 28,4 |

| | Млрд. сўм | Жамига нисбатан, % да | |
|---|---|---|---|
| | | 2021 йил январь-март | 2020 йил январь-март |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 69,7 | 5,8 | 0,9 |
| Қурилиш | 46,8 | 3,9 | 2,0 |
| Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш | 21,7 | 1,8 | 4,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 13,9 | 1,2 | 2,7 |
| Яшаш ва овқатланиш бўйича ҳизматлар | 5,4 | 0,4 | 0,4 |
| Ахборот ва алоқа | 7,1 | 0,6 | 0,2 |
| Молия ва суғурта фаолияти | 4,8 | 0,4 | 0,3 |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | 13,7 | 1,1 | 0,1 |
| Таълим | 10,5 | 0,9 | 0,7 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 9,2 | 0,8 | 0,9 |
| Саънат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳаси | 0,0 | 0,0 | 0,1 |
| Жами фаолият турларидан ташқари: турар жой қурилишига инвестициялар | 43,3 | 3,6 | 3,0 |
| Бошқа фаолият турлари | 13,9 | 1,1 | 1,5 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестицияларнинг ўзлаштирилиши: ишлаб чиқариш саноатида 443,9 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмидаги улуши 36,8 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш фаолият турида 302,8 млрд. сўм, (25,1 %), сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш фаолият турида 69,7 млрд. сўм (5,8 %), қурилиш фаолияти турида 46,8 млрд. сўм (3,9 %), ташиш ва сақлаш фаолият турида 13,9 млрд. сўм (1,2 %), улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш фаолият турида 21,7 млрд. сўм (1,8 %), ахборот ва алоқа фаолият турида 7,1 млрд. сўм (0,6 %), профессионал, илмий ва техник фаолият турида 13,7 млрд. сўм (1,1 %), таълим соҳасида 10,5 млрд. сўм (0,9 %), жами фаолият турларидан ташқари турар жой қурилишида 43,3 млрд. сўм (3,6 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга инвестициялар таркиби, % да
(2021 йил январь-март)




## Асосий капиталга инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, % да



## Асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар

2021 йилнинг январь-мартида 509,7 млрд. сўм ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 88,0 % га асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг жами асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши 42,3 % ни ташкил этди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг энг катта улуши Ширин шаҳарда (34,7 %), Сирдарё туманда (31,2 %) ва Гулистон шахарда (15,2 %) кузатилди.

### Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни қўшган ҳолда

| | *Хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилди, млрд. сўм* | | *Хорижий инвестициялар ва кредитлар, % да* | |
|---|---|---|---|---|
| | *жами* | *шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар* | *жамига* | *шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар* |
| **Сирдарё вилояти** | **509,7** | **236,2** | **100** | **100** |
| шаҳарлар | | | | |
| Гулистон | 77,2 | 7,6 | 15,2 | 3,2 |
| Ширин | 177,0 | - | 34,7 | - |
| Янгиер | 5,2 | 5,2 | 1,0 | 2,2 |
| туманлар | | | | |
| Боёвут | 0,7 | 0,5 | 0,1 | 0,2 |
| Гулистон | 12,7 | - | 2,5 | - |
| Мирзаобод | 26,8 | 12,8 | 5,3 | 5,4 |
| Оқолтин | 10,1 | 10,1 | 2,0 | 4,3 |
| Сардоба | 20,6 | 20,6 | 4,1 | 8,7 |
| Сайхунобод | 20,2 | 20,2 | 3,9 | 8,5 |
| Сирдарё | 159,2 | 159,2 | 31,2 | 67,5 |
| Ховос | - | - | - | - |

## Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш
## (млн. АҚШ долл.)




Ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг доллар эквивалентидаги қиймати 49,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ундан 22,9 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларни ёки жами хорижий инвестиция ва кредитларнинг 46,7 % ташкил этди.

Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2021 йилнинг январь–мартида 236,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 88,9 % эришилди.

## Айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркиби



Иқтисодий фаолият турлари бўйича хорижий инвестиция ва кредитлар таркибида, қайта ишлаш саноатида хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тутган улуши 44,7 % ни ташкил этди, шунингдек, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғининг жамига нисбатан улуши 33,7 % ни ташкил этди.

## Ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши

Жами асосий капиталга инвестицияларда турар жой қурилишига ўзлаштирилган инвестициялар 43,3 млрд. сўмни ёки жами инвестициялар ҳажмида 3,6 % ни ташкил этди.

### Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобига турар жойлар ва ижтимоий объектларни ишга тушириш

(2021 йил январь–март)

| | *Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан:* | | | |
|---|---|---|---|---|
| | *Ишга туширилди* | | *2020 йил мос даврига нисбатан, % да* | |
| | *жами* | *жумладан қишлоқ жойларда* | *жами* | *жумладан қишлоқ жойларда* |
| Турар жойлар умумий майдони, *минг кв.м.* | **34,7** | **23,1** | **133,8** | **134,0** |
| *улардан:* | | | | |
| якка тартибдаги турар жойлар | 30,1 | 18,5 | **116,1** | **107,4** |
| намунавий лойиҳалар асосида шаҳар ва қишлоқларда қурилган якка тартибдаги турар жойлар | 4,6 | 4,6 | - | - |
| Касалхоналар, *ётоқ* | - | - | - | - |
| Поликлиникалар (ҚВП ларни қўшган ҳолда), *қатнов* | - | - | - | - |
| Умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, *ўқувчи ўрни* | - | - | - | - |
| Умумтаълим ва ихтисослаш-тирилган мактабларни капитал тамирлаш, бирлик | - | - | - | - |
| Сув тармоғи, *км* | - | - | - | - |
| Газ тармоғи, *км* | - | - | - | - |

2021 йилнинг январь–март ойида умумий майдони 34,7 минг кв.м (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 133,8 %) бўлган 163 та турар жойлар, жумладан 23,1 минг кв.м. (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,0 %) қишлоқ жойларда ишга туширилди.

**Ишга туширилган турар жойлар**
**(2021 йил январь–март ойлари)**

| | *Ишга туширилди, жами* | | *улардан: якка тартибдаги турар жойлар* | |
|---|---|---|---|---|
| | *минг кв.м* | *2020 йил январь-мартга нисбатан, % да* | *минг кв.м* | *2020 йил январь-мартга нисбатан, % да* |
| **Сирдарё вилояти** | **34,7** | **133,8** | **30,1** | **116,1** |
| шаҳарлар | | | | |
| Гулистон | 5,8 | 134,9 | 5,8 | 134,9 |
| Ширин | 0,4 | 400,0 | 0,4 | 400,0 |
| Янгиер | 1,3 | 162,5 | 1,3 | 162,5 |
| туманлар | | | | |
| Боёвут | 3,1 | 206,7 | 2,0 | 133,3 |
| Гулистон | 6,1 | 277,3 | 2,6 | 118,2 |
| Мирзаобод | 2,3 | 255,6 | 2,3 | 255,6 |
| Оқолтин | 0,7 | 58,3 | 0,7 | 58,3 |
| Сардоба | 1,6 | 100,0 | 1,6 | 100,0 |
| Сайхунобод | 0,5 | 250,0 | 0,5 | 250,0 |
| Сирдарё | 12,8 | 106,7 | 12,8 | 106,7 |
| Ховос | 0,1 | 9,1 | 0,1 | 9,1 |

Жорий даврда якка тартибда қурилган турар жойлар умумий майдони 30,1 минг кв.м.ни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 116,1 % ни ташкил этди.

## Қурилиш ишлари

2021 йилнинг январь–март 562,1 млрд. сўм қурилиш ишлари бажарилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 123,7 %ни ташкил этди.

## Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари, %да




Қурилиш ишлари бўйича ўтган йилга нисбатан энг юқори бўлган ўсиш суръатлари Ховос туманида кузатилиб, 342,7 % ни ташкил қилди.

## Ҳудудлар кесимида қурилиш ишлари

| | *Жами, млрд.сўм* | *шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жами ҳажмга нисбатан, % да* | |
|---|---|---|---|
| | | *давлат* | *нодавлат* |
| **Вилоятбўйича:** | **562,1** | **18,8** | **81,2** |
| шаҳарлар | | | |
| Гулистон | 163,5 | 28,9 | 71,1 |
| Ширин | 31,5 | 5,1 | 94,9 |
| Янгиер | 39,2 | 5,5 | 94,5 |
| туманлар | | | |
| Боёвут | 36,5 | 4,4 | 95,6 |
| Гулистон | 22,5 | 2,6 | 97,4 |
| Мирзаобод | 43,9 | 6,6 | 93,4 |
| Оқолтин | 33,7 | 3,0 | 97,0 |
| Сардоба | 13,3 | 2,7 | 97,3 |
| Сайхунобод | 16,3 | 4,5 | 95,5 |
| Сирдарё | 44,5 | 11,3 | 88,7 |
| Ховос | 117,2 | 9,2 | 90,8 |

Иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 13,2 пунктга камайди. Вилоят бўйича жами қурилиш ишларида нодавлат секторининг улуши 81,2 % ни ташкил этган.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, млрд. сўм




Жами қурилиш ишларидан 54,4 % ини янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 45,6 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишлари ташкил этди.

Ҳисобот даврида бино ва иншоотлар қурилиши бўйича бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 320,7 млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,2 %)ни, мос равишда, фуқаролик қурилиши объектлари бўйича қурилиш ҳажми 202,3 млрд. сўм (183,0 %)ни, ихтисослаштирилган қурилиш ишлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми 39,1 млрд. сўм (95,3 %) ни ташкил қилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари ҳажми, млрд.сўм

| | *Қурилиш ишлари, хизматлар жами* | *шу жумладан иқтисодий фаолият турлари:* | | |
|---|---|---|---|---|
| | | *Бино ва иншоотлар қурилиши* | *Фуқаролик қурилиши объектлари* | *Ихтисослаштири лган қурилиш ишлари* |
| **Вилоят бўйича:** | 562,1 | 320,7 | 202,2 | 39,1 |
| шаҳарлар | | | | |
| Гулистон | 163,5 | 93,3 | 58,8 | 11,4 |
| Ширин | 31,5 | 18 | 11,3 | 2,2 |
| Янгиер | 39,2 | 22,4 | 14,1 | 2,7 |
| туманлар | | | | |
| Боёвут | 36,5 | 20,8 | 13,1 | 2,6 |
| Гулистон | 22,5 | 12,8 | 8,1 | 1,6 |
| Мирзаобод | 43,9 | 25,1 | 15,8 | 3,0 |
| Оқолтин | 33,7 | 19,2 | 12,1 | 2,4 |
| Сардоба | 13,3 | 7,6 | 4,8 | 0,9 |
| Сайхунобод | 16,3 | 9,3 | 5,9 | 1,1 |
| Сирдарё | 44,5 | 25,4 | 16 | 3,1 |
| Ховос | 117,2 | 66,8 | 42,2 | 8,2 |

# V. ХИЗМАТЛАР

## 1 БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2021 йил январь-март ойларида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари






Иқтисодиётда хизматлар соҳаси ўсишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси кабилар ташкил этади.

Иқтисодиётнинг ушбу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир. Хизматлар нафақат корхоналарга, балки жисмоний шахслар - якуний истеъмолчиларга ҳам кўрсатилиши мумкин.

**Ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичлари**

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 934,7 млрд. сўмга етди. Унинг номинал ҳажми 164,5 млрд.сўмга ошди. Таққослама эквивалентда, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 112,0 %. ни ташкил этди.




## 2 БЎЛИМ. ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ХИЗМАТЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор муносабатлари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиши шароитида хизматлар соҳасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларни ишлаб чиқариш истеъмолчиларнинг даромад даражаси, диди ва хоҳиш-истакларига қараб дифференцияланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларини ишлаб чиқариш**
*(2021 йил январь-март ойларида)*

| | *Млрд.сўм* | *2020 йилга нисбатан, % да* | *2020йилда2019 йилга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Хизматлар – жами** | **934,7** | **112,0** | **113,9** |
| *шу жумладанасосий турлари бўйича:* | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 51,8 | 118,5 | 117,4 |
| молиявий хизматлар | 288,1 | 127,4 | 163,8 |
| транспорт хизматлари | 139,0 | 101,5 | 103,2 |
| *шу жумладан: автотранспорт хизматлари* | *130,5* | *101,1* | *103,5* |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 24,0 | 102,1 | 98,5 |
| савдо хизматлари | 243,3 | 101,7 | 95,8 |
| кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар | 20,0 | 103,1 | 100,9 |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 32,4 | 109,8 | 98,1 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 16,4 | 102,0 | 120,8 |
| ижара хизматлари | 30,6 | 186,4 | 118,7 |
| компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар | 23,5 | 101,4 | 106,7 |
| шахсий хизматлар | 20,2 | 99,4 | 102,5 |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 19,7 | 107,1 | 101,1 |
| бошқа хизматлар | 25,7 | 104,1 | 91,9 |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни молиявий хизматлар эгаллайди. Шундай қилиб, 2021 йилнинг январь-март ойларида уларнинг улуши 30,8 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар савдо хизматлари (26,0 %), транспорт хизматлари (14,9 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари бўйича (5,5 %) қайд этилди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларнинг таркиби

| Энг юқори улуш | | 2021 й. январь-март | 2020 й. январь-март |
|---|---|---|---|
|  | Молиявий хизматлар | 30,8 % | 28,2 % |
|  | Савдо хизматлари | 26,0 % | 27,8 % |
|  | Транспорт хизматлари | 14,9 % | 15,6 % |
|  | Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари | 5,5 % | 5,6 % |
|  | Таълим соҳасидаги хизматлар | 3,5 % | 3,7 % |
|  | Ижарахизматлари | 3,3 % | 2,0 % |



| Энг паст улуш | | 2021 й. январь-март | 2020 й. январь-март |
|---|---|---|---|
|  | Бошқа хизматлар | 2,7 % | 3,0 % |
|  | Яшаш ва овқатланиш хизматлари | 2,6 % | 2,7 % |
|  | Компютерлар таъмирлаш хизматлар | 2,5 % | 2,6 % |
|  | Шахсий хизматлар | 2,2 % | 2,4 % |
|  | Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлари | 2,1 % | 2,3 % |
|  | Меъморчилик соҳасидаги хизматлар | 2,1 % | 2,2 % |
|  | Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 1,8 % | 1,9 % |

Қизил рамка – 2020 й. январь-март
Яшил рамка – 2021 й.январь-март

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг унча катта бўлмаган ўсиши кузатилди, уларнинг улуши атиги 1,8 % ни ташкил этди. Шунингдек, нисбатан юқори бўлмаган улуш меъморчилик соҳасидаги хизматлар 2,1 %, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 2,1 %, шахсий хизматлар ҳиссаси 2,2 % га тўғри келди.

Юқори ўсиш молиявий хизматлар (30,8 %), савдо хизматлари (26,0 %), шунингдек, транспорт хизматлари (14,9 %)да қайд этилди. Хизматлар соҳасига тааллуқли бўлган бошқа барча фаолият турлари бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилмоқда.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари таққосланиши, % да




Шахсий хизматлар ҳажми сезиларли даражада (99,4 %) пасайиши қайд этилди. Шу билан бирга, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар (101,4 % ), транспорт хизматлари (101,5 % ) да пасайиш кузатилди.

## Автомобиль транспортида юк ташиш ва йўловчи ташиш хизматлари

2021 йил январь-март ойларида автомобиль транспортида юк ташиш хизматларининг 2,1 млн. тонна.км га етди.

Автомобиль транспортида кўрсатилган йўловчи ташиш хизматлари 20,5 млн. йўловчи. км ни ташкилэтди.



## Савдо хизматлари таркиби
*(2021 йил январь-март ойларида)*




Жорий даврда чакана савдо хизматлари улуши, умумий савдо хизматлари ҳажмининг қарийб тўртдан уч қисмига, аниқроғи, 70,1 % ига тўғри келди.

Улгуржи савдо хизматларининг улуши (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) 23,7 % га етди.

Автомобиллар ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, жумладан, уларни таъмирлаш хизматларини қўшган ҳолда, савдо хизматларининг умумий ҳажмидаги улуши 6,2 % ни ташкил этди.

2021 йилнинг январь-март ойларида, кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида савдо хизматларининг улуши 26,0 % ни ташкил этиб, бу 243,3 млрд. сўмга тенг бўлди.

## Ҳудудлар кесимида савдо хизматларининг улуши
*(2021 йил январь-март ойларида, %да)*



Ҳудудлар бўйича таққосланганда, чакана савдо бўйича хизматларнинг энг катта улуши Боёвут (88,2 %), Сардоба (88,1 %) ва Ховос (86,6 %) туманларига тўғри келади.

Бу кўрсаткич Ширин шаҳрида нисбатан кичик, унинг улуши 17,8 % ни ташкил этди. Бироқ, Ширин шаҳрида улгуржи савдо хизматлари (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши сезиларли даражада юқори бўлди - 81,3 %. Сардоба туманида эса энг кичик улуш 2,5 % қайд этилди.

Автомобиллар ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича хизматлар, жумладан, автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш бўйича хизматларни қўшган ҳолда нисбатан юқори улуш Оқолтин (14,2 %), Сардоба (9,4 %) ва Мирзаобод (8,2 %) туманларида қайд этилди.

Ушбу хизматларнинг энг кичик улуши Ширин (0,9 %), Янгиер шаҳарларида (4,1 %) ва Сайхунобод (3,9 %) туманларида қайд қилинди.

Замонавий банк хизматларини тақдим этиш учун шарт-шароитлар яратишда, инновацион банк технологияларининг жорий этилиши орқали чакана хизматларни кўрсатишга ихтисослашган "рақамли" банклар ва уларнинг бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш, масофадан туриб банк хизматларини такомиллаштириш ва тўлов тизимини янада ривожлантириш, молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

## Молиявий хизматлар
*(2021 йил январь-март ойларида)*

Молиявий хизматлар ҳажми 288,1 млрд. сўмни–ташкил этди.

***Таққослаш учун:*** 2020 йилнинг январь-март ойларида уларнинг ҳажми 217,4 млрд. сўмга тенг бўлган.





Молиявий хизматларининг умумий хизматлар ҳажмидаги улуши 30,8 % ни ташкил этди.

***Таққослаш учун:*** 2020 йилнинг январь-март ойларида уларнинг улуши 28,2 % ни ташкил этди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан молиявий хизматлар ҳажми 70,7 млрд. сўмга кўпайиши кузатилди.





Молиявий хизматларнинг ўсиши 27,4 % ни ташкил этди.

***Таққослаш учун:*** 2020 йилнинг январь-март ойларида уларнинг ўсиш суръати 163,8 % га етган.

## Молиявий хизматлар таркиби
*(2020 йил январь-март ойларида)*

Молиявий хизматлар умумий ҳажмида суғурта ва нафақа таъминоти бўйича хизматлардан ташқари молиявий хизматларнинг улуши 94,5 % ни ташкил этади.

Жорий даврда суғурта хизматларининг улуши 4,1 % оралиғида қайд этилди.




Молиявий ва суғурталаш хизматларига нисбатан ёрдамчи хизматларнинг умумий молиявий хизматлар ҳажмидаги улуши юқори кўрсаткичга эга эмас ва у 1,4 % ни ташкил этади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, АКТнинг ривожланиши мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига бевосита таъсир кўрсатади, катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш ва умумлаштириш, стратегик даражада бошқариш учун кенг имкониятлар очади.

## Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари
*(2021 йил январь-март ойларида)*




2021 йил январь-март ойларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 51,8 млрд. сўм даражасида белгиланди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ушбу турдаги хизматларнинг ўсиш суръати 118,5 % га етди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмдаги улуши 5,5 % ни ташкил этди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, билимлар ва хизматлар иктисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг ривожланган тизими ҳисобланади.

Фуқароларни сифатли ва арзон нархлардаги таълим билан таъминлаш, жамият тараққиётини, унинг келажагини аниқ белгилаб берадиган вазифадир.

Бугунги кунда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омили сифатида мактабларни замонавий лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва янги авлод методик материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## Таълим соҳасидаги хизматлар
*(2021 йил январь-март ойларида)*

2021 йилнинг январь-март ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 32,4 млрд. сўмга етиб, бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 3,5 % ни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,8 % ни ташкил этди.




***Яшаш бўйича хизматлар** ҳажми, қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа турар жойлар) қийматини ўз ичига олади.*

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ўсиш суръати 102,1 % ни ташкил этди, уларнинг ҳажми эса 24,0 млрд. сўмга тенг бўлган. Ушбу даврда уларнинг бозор хизматлари умумий ҳажмидаги улуши атиги 2,6 % ни ташкил этди.

***Озиқ-овқат ва ичимликлар билан таъминлаш** бўйича хизматлар- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари, овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қийматидир.*

## Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
*(2021 йил январь-март ойларида)*




2020 йил январь-март ойларига нисбатан турар жой ва умумий овқатланиш хизматлари ҳажми 3,6 млрд. сўмга кўпайди.

## Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар
*(2021 йил январь-март ойларида)*




2021 йилнинг январь-март ойларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларнинг ҳажми 16,4 млрд. сўмни ташкил этди. Хизматлар умумий ҳажмида уларнинг улуши 1,8 % ни ташкил қилди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 102,0 % ни ташкил этди.

# 3 БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ижтимоий, сиёсий ва жамоатчилик муаммоларини худудларнинг иқтисодий салоҳиятини кўтармасдан, уларнинг барқарор ривожланишисиз ҳал қилиб бўлмайди. Ҳудудий сиёсат мақсадларига фақат иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий ҳаракатчанлигини, янги хўжалик ҳудудларини ўзлаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва моддий маҳсулотлар истеъмолини оширишни таъминлайди.

## Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари таркиби, % да
*(2021 йил январь-март ойларида)*

Хизматларнинг умумий ҳажмида Гулистон шаҳрининг улуши энг аҳамиятли бўлиб, 46,1 % ни ташкил этди. Бу аҳолининг реал даромадлари бошқа туманлардан кўра юқорироқ эканлиги билан изоҳланади.

***Маълумот учун:*** *2020 йилнинг январь-март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмида Гулистон шаҳрининг улуши 44,2 % ни ташкил этган.*

*Оқолтин туманининг улуши эса энг паст эканлиги 3,1 % кузатилган.*




Шунингдек, энг катта улуш Сирдарё (13,6 %), Боёвут (5,6 %), туманларида ва Янгиер шаҳри (7,5 %)да қайд этилди.

Хизматлар соҳасининг нисбатан паст кўрсаткичлари Оқолтин (2,9 %), Сардоба (3,2 %) туманларида кузатилди.

## Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, ўтган йилга нисбатан % да
*(2021 йил январь-март ойларида)*




Ушбу давр мобайнида нисбатан юқори ўсиш суръатлари Гулистон шаҳар (116,8 %), Ховос (117,7 %), Сирдарё (113,7 %), Боёвут (110,6 %) туманларида қайд этилди.

Нисбатан юқори бўлмаган ўсиш суръатлари Сардоба (101,0 %), Мирзаобод (102,3 %) туманларида қайд этилди.

Хизматлар соҳасидаги аксарият фаолият турларининг ўзига хос хусусияти - бу маҳаллийлаштиришнинг юқори даражаси, маълум бир ҳудудга (ҳудуд, туман, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари) боғлиқлиги ҳисобланади. Шу сабабли, фаолиятнинг ҳажми, жойлашиши, фаолият турлари ва кўламлари, мулкчилик шакллари, корхона ва хизмат кўрсатиш ташкилотларининг иш услублари, уларнинг модернизация қилишдаги роли ва ривожланиш потенциали минтақа иқтисодиётидаги инновацион ўзгаришларнинг эҳтиёжлари, устуворликлари ва стратегияси билан ўзаро боғлиқ бўлиши керак.

Кўрилаётган даврда, ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ҳудудлар бўйича Гулистон шаҳри кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмини ўсишига таъсир кўрсатди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ушбу ҳудудда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 90,4 млрд. сўмга ошди ва 431,1 млрд. сўмга етди.

**Ҳудудлар кесимида кўрсатилган хизматлар**
*(2021 йил январь-март ойлари учун)*

| | *Жами* | | *Аҳоли жон бошига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да* | *минг сўм* | *Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, % да* |
| **Сирдарё вилояти** | **934,7** | **112,0** | **1083,8** | **110,1** |
| шаҳарлар | | | | |
| Гулистон | 431,1 | 116,8 | 4712,0 | 115,6 |
| Ширин | 29,1 | 103,8 | 1539,8 | 102,7 |
| Янгиер | 70,0 | 104,3 | 1581,1 | 102,4 |
| туманлар | | | | |
| Боёвут | 52,6 | 110,6 | 398,6 | 108,8 |
| Гулистон | 36,6 | 107,7 | 492,8 | 105,2 |
| Мирзаобод | 44,7 | 102,3 | 593,3 | 99,9 |
| Оқолтин | 26,6 | 104,4 | 502,0 | 102,4 |
| Сардоба | 30,0 | 101,0 | 446,8 | 99,3 |
| Сайхунобод | 36,6 | 103,5 | 465,3 | 101,8 |
| Сирдарё | 126,8 | 113,7 | 973,0 | 112,0 |
| Ховос | 50,6 | 117,7 | 520,5 | 115,8 |

Шу билан бирга, нисбатан юқори кўрсаткичлар Гулистон шаҳар (431,1 млрд. сўм) ва Сирдарё (126,8 млрд. сўм) туманида қайд этилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ҳар ойда ўсиши кузатилмоқда.

## Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари

2021 йилнинг январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1083,8 минг сўмга етди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 110,1 % ни ташкил этди.




## Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми, минг сўм

*(2021 йил январь-март ойларида)*




Ушбу хизматлар ҳажми кўрсаткичи ҳудудлар ўртасида Гулистон шаҳрида 4712,0 минг сўмдан Боёвут туманида 398,6 минг сўмгача оралиғида бўлди.

Ушбу минтақада аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми кўрсаткичи нисбатан пастлиги бу ҳудудда аҳоли сонининг юқори кўрсаткичларига боғлиқлигидир.

***Таққослаш учун:*** Ширин шаҳрида ўртача доимий аҳоли сони (2021 йилнинг январь-март ойларида 18,9 минг кишини ташкил этди) унча кўп бўлмасада, бироқ аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми нисбатан юқори. Кўриб чиқилаётган даврда у 1539,8 минг сўмни ташкил этди.

# 4 БЎЛИМ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот

*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*




## 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби, % да

*(фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)*




2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши (49,5 %) юқоридир. Бунинг сабаби ушбу фаолиятнинг юқори даромадлилиги ва кетган харажатларни тез қоплай олишида.

Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотларнинг улуши 9,5 % га тенгдир. Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларнинг улуши 5,9 % га етди.

Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 2,0 % ни ташкил этди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуши 1,9 % ни ташкил қилади.

***Маълумот учун:*** *2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида 8968 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатган. Уларнинг умумий таркибида савдо хизматлари – 46,4 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 9,6 %, ташиш ва сақлаш - 6,3 %, ахборот ва алоқа - 2,0 %, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш - 1,8 %, ҳамда бошқа турдаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар – 33,9 % ни ташкил этган.*

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Хизматлар** истеъмолчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

**Хизматнинг ўзига хос хусусияти,** хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида** кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, хизматлар бозор учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳисобланади.

**“Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи** - маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи, истеъмолчиларга (юридик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

**Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми,** бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

**Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар** нақд пул, шу жумладан пластик карточкалар ва пул ўтказиш, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

**Норезидентларга кўрсатилган хизматлар** (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган, шартнома нархлари бўйича аниқланади.

**Электрон тўловлар** – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

**Электрон пуллар** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

**Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш,** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ дебаталади) мувофиқ амалга оширилади.

**Бозор хизматлари ҳажми** МСТ бўйича таснифланган барча иқтисодий фаолият турларининг хизматларга тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади.

Амалдаги нархларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ишлаб чиқариш, мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

**Молиявий хизматлар** Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан, масофавий банк хизматлари (интернет-банкинг, мобиль-банкинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилик хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар киради.

Амалдаги нархларда молиявий хизматларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдорида) ҳисобга олинади. Чет эл валютасида келиб тушадиган фоизли даромадлар ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли курси бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва сўмда акс эттирилади.

**Транспорт хизматлари** транспортнинг барча турларида юкларни ва йўловчиларни ташиш фаолияти, шунингдек, транспортировка қилишда ёрдамчи хизмат турлари, жумладан логистик хизматларни ўз ичига олади.

Амалдаги нархларда транспорт хизматларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми

транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади. Транспорт хизматлари умумий ҳажмида почта ва курьерлик фаолиятининг ишлаб чиқарилган ялпи ҳажми ҳисобга олинади.

**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва бошқа яшаш учун жойлар каби қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматларни ўз ичига олади.

**Савдо хизматлари** улгуржи ва чакана хизматларни бирлаштириб, шунингдек, бошқа шахс манфаатлари учун товарларни олди-сотди шартномалари, комиссиялари ёки агентлик шартномалари асосида сотилган воситачилик хизматлари ҳамда автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини ўз ичига олади.

**Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни** кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корхонанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

**Таълим соҳасидаги хизматлар** олий, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларидатижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, Интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни қамраб олади.

**Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар** стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пул асосида кўрсатилган комплекс хизматларни қамраб олади.

**Ижара хизматлари** бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

**Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар** ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

# VI. ТРАНСПОРТ

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Республикада транспорт мустақиллиги таъминланди ва республиканинг барча ҳудудларини бир-бири билан боғлайдиган миллий тизим яратилди.

**Юк ташиш.** 2021 йил январь–март ойларида автомобиль транспорти томонидан 2,1 млн.тонна юк ташилган бўлиб, бу 2020 йилнинг январь–мартига нисбатан 122,4 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга, юкайланмаси 45,9 млн.тн–км.ни ташкил қилди ёки 2020 йилнинг январь–мартига нисбатан 15,4 фоизга ўсди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси**

| | *2021 йил январь–март* | *Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|
| **Ташилган юклар,** ***млн. тн.*** | **2,1** | **122,4** |
| автомобиль транспортида | 2,1 | 122,4 |
| **Юк айланмаси,** ***млн. тн–км*** | **45,9** | **115,4** |
| автомобиль транспортида | 45,9 | 115,4 |

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортидаги юк айланмаси 2021 йил январь-мартига нисбатан 102,3 фоизни ташкил этиб, 32,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 70,6 фоизни ташкил этди (2020 йил январь-мартида 79,6 фоиз).

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарларида ташилган юк бўйича етакчи ўринни Сайхунобод (439,9 минг тонна) тумани эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори ҳажм Мирзаобод (230,4 минг тонна), Сирдарё (220,0 минг тонна) туманлари ва Гулистон (324,8 минг тонна) шаҳрида кузатилди.

**Сирдарё вилоятининг ҳудудлари кесимида юк ташиш, минг тонна**
*(2021 йилнинг январь–март ҳолатига)*

| | *минг тонна* | *2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида* | *Улуши, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жамихизматлар** | **2094,8** | **122,4** | **100,0** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 324,8 | 115,8 | 15,5 |
| Ширин | 67,0 | 122,5 | 3,2 |
| Янгиер | 144,5 | 126,1 | 6,9 |

| | минг тонна | 2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида | Улуши, фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 73,3 | 112,8 | 3,5 |
| Боёвут | 184,3 | 136,3 | 8,8 |
| Сайхунобод | 439,9 | 122,4 | 21,0 |
| Гулистон | 163,4 | 129,1 | 7,8 |
| Сардоба | 58,7 | 122,5 | 2,8 |
| Мирзаобод | 230,4 | 123,5 | 11,0 |
| Сирдарё | 220,0 | 116,9 | 10,5 |
| Ховос | 188,5 | 123,8 | 9,0 |

Кўрсатилган юк ташишда энг кичик тонна куйидаги худудлар Сардоба (58,7 минг тонна), Оқолтин (73,3 минг тонна) туманларида ва Ширин (67,0 минг тонна) шаҳри ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юкнинг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %**




Ҳудудлар бўйича ташилган юкнинг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Сайхунобод (жамига нисбатан 21,0 %) тумани эгаллади. шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, Гулистон (15,5 %) шаҳри ҳамда Мирзаобод (11,0 %) ва Сирдарё (10,5 %) туманларида кузатилди.

Сирдарё вилоятининг юк айланмаси ҳажмида етакчи ўринни Гулистон (10566,5 минг тонна-км) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткич Сирдарё (7810,1 минг тонна-км), Боёвут ва Ховос (4594,2 минг тонна-км) туманларида кузатилди.

**Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлари кесимида юк айланмаси минг тонна-км**
*(2021 йилнинг январь–март ҳолатига)*

| | *минг тонна-км* | *2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида* | *Туман, шаҳарларнинг улуши фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **45941,8** | **115,4** | **100,0** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 10566,5 | 184,3 | 23,0 |
| Ширин | 1102,6 | 106,5 | 2,4 |
| Янгиер | 2618,7 | 111,5 | 5,7 |
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 1745,8 | 104,4 | 3,8 |
| Боёвут | 4594,2 | 101,2 | 10,0 |
| Сайхунобод | 3399,7 | 101,6 | 7,4 |
| Гулистон | 3583,5 | 109,8 | 7,8 |
| Сардоба | 1791,7 | 109,8 | 3,9 |
| Мирзаобод | 4134,8 | 98,9 | 9,0 |
| Сирдарё | 7810,1 | 100,6 | 17,0 |
| Ховос | 4594,2 | 106,8 | 10,0 |

Кўрсатилган юк айланмасидаги энг кичик тонна-км қуйидаги худудлар Оқолтин (1745,8 минг тонна-км), Сардоба (1791,7 минг тонна-км) туманлари ва Ширин (1102,6 минг тонна-км) шахри ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган юк айланмасининг умумий ҳажмида худудларнинг улуши, %**



Ҳудудлар бўйича юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Гулистон (23,0 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, Сирдарё (17,0 %), Ховос ҳамда Боёвут (10,0 % дан) ва Мирзаобод (9,0 %) туманларида кузатилди.

**Йўловчи ташиш.** 2021 йил январь–мартида барча транспорт турлари томонидан 20,5 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил этди. Йўловчи ташиш айланмаси эса ушбу даврда 101,4 фоизни ташкил этиб, 562,2 млн. йўловчи–км. ни ташкил қилди.

**Транспорт турлари бўйича**
**йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

| | *2021 йил январь–март* | *Жамига нисбатан, фоиз ҳисобида* | *Ўсиш суръати, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Ташилган йўловчилар, *млн. киши*** | **20,5** | **100,0** | **103,2** |
| автомобиль транспортида | 20,5 | 100,0 | 103,2 |
| **Йўловчи айланмаси, *млн. йўловчи–км*** | **562,2** | **100,0** | **101,4** |
| автомобиль транспортида | 562,2 | 100,0 | 101,4 |

Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида якка тартибдаги тадбиркорлар йўловчи айланмасининг улуши 78,2 фоизни ташкил этди.

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлар бўйича ташилган йўловчи бўйича етакчи ўринни Гулистон (4458,1 минг киши) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткич Сирдарё (4355,5 минг киши), Боёвут (2157,2 минг киши), ва Мирзаобод (1931,2 минг киши) туманларида кузатилди.

**Сирдарё вилоятининг ҳудудлари кесимида йўловчи ташиш, минг киши**
*(2021 йилнинг январь–март ҳолатига)*

| | *минг киши* | *2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида* | *Улуши, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| **Жамихизматлар** | **20544,7** | **103,2** | **100,0** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 4458,1 | 103,1 | 21,7 |
| Ширин | 410,9 | 103,2 | 2,0 |
| Янгиер | 1581,9 | 103,1 | 7,7 |

| | *минг киши* | *2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида* | *Улуши, фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 760,2 | 103,2 | 3,7 |
| Боёвут | 2157,2 | 102,2 | 10,5 |
| Сайхунобод | 1314,9 | 103,2 | 6,4 |
| Гулистон | 1150,5 | 101,3 | 5,6 |
| Сардоба | 862,9 | 100,8 | 4,2 |
| Мирзаобод | 1931,2 | 105,4 | 9,4 |
| Сирдарё | 4355,5 | 104,1 | 21,2 |
| Ховос | 1561,4 | 101,8 | 7,6 |

Кўрсатилган йўловчи ташишда энг кичик кўрсаткич қуйидаги худудлар Ширин (410,9 минг киши) шахри, Оқолтин (760,2 минг киши) ва Сардоба (862,9 минг киши) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Ташилган йўловчининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %**




Худудлар бўйича ташилган юкнинг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Гулистон (21,7 %) шахри эгаллади. Шу билан бирга, Сирдарё (21,2 %), Боёвут (10,5 %) ва Мирзаобод (9,4 %) туманларида кузатилди.

Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлар бўйича йўловчи айланмасида етакчи ўринни Гулистон (117499,0 минг йўловчи–км) шахри эгаллади. Шу билан бирга, энг юқори кўрсаткич билан Сирдарё (108504,0 минг йўловчи–км), Боёвут (60155,1 минг йўловчи–км) ва Ховос (47224,5 минг йўловчи–км) туманларида кузатилди.

## Сирдарё вилоятининг туман, шаҳарлар кесимида йўловчи айланмаси минг йўловчи-км

*(2021 йилнинг январь–март ҳолатига)*

| | минг йўловчи-км | 2020 йил январь-мартига нисбатан фоиз ҳисобида | Туман, шаҳарларнинг улуши фоиз ҳисобида |
|---|---|---|---|
| **Жами хизматлар** | **562196,8** | **101,4** | **100,0** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 117499,0 | 102,4 | 20,9 |
| Ширин | 10681,7 | 101,4 | 1,9 |
| Янгиер | 43851,4 | 102,7 | 7,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 24736,7 | 106,2 | 4,4 |
| Боёвут | 60155,1 | 100,5 | 10,7 |
| Сайхунобод | 38229,4 | 99,9 | 6,8 |
| Гулистон | 35980,6 | 99,9 | 6,4 |
| Сардоба | 25861,1 | 101,4 | 4,6 |
| Мирзаобод | 49473,3 | 100,3 | 8,8 |
| Сирдарё | 108504,0 | 101,9 | 19,3 |
| Ховос | 47224,5 | 99,1 | 8,4 |

Кўрсатилган йўловчи айланмасидаги энг кичик йўловчи–км қуйидаги ҳудудлар, Ширин (10681,7 минг йўловчи–км) шаҳри, Оқолтин (24736,7 минг йўловчи–км) ва Сардоба (25861,1 минг йўловчи–км) туманлари ҳиссасига тўғри келди.

**Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши, %**




Худудлар бўйича юк айланмасининг юқори улуши бўйича етакчи ўринни Гулистон (20,9 %) шаҳри эгаллади. Шу билан бирга, Сирдарё (19,3 %), Боёвут (10,7 %), Мирзаобод (8,8 %) ва Ховос (8,4 %) туманларида кузатилди.

**Транспорт турлари бўйича юк ташиш, юк айланмаси, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси**

*(2021 йил январь-март ойларида)*



# VII. ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ

2021 йил январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси 787,6 млрд. сўмни, ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,3 % ни ташкил қилди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 108,0 % га кўпайиб, 68,2 млрд. сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 8,7 % ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 4,4 % га камайиб, 719,4 млрд. сўмга етиб, умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 91,3 % ни ташкил қилди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби,** % да
*(январь–март ойлари)*




*Чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Гулистон шаҳри ҳисобига тўғри келди ва 35,9 % ни ташкил этди, шу билан бирга, Сирдарё тумани 15,6 %, Мирзаобод тумани 9,1 %, Янгиер шаҳри 7,7 %, ва Ховос тумани 6,0 % ни ташкил этган бўлса, Ширин шаҳри 1,3 %, Оқолтин тумани 4,2 ҳамда Боёвут туманлари 4,7 % ва Гулистон тумани 4,8 % улуш билан энг паст кўрсаткични қайд этди.*

2021 йилнинг январь-март ойларида йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 108,0 % га кўпайди. Ўз навбатида, йирик корхоналарнинг чакана товар айланмаси Ховос (2020 йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 м.), Гулистон (9,2 м.), Боёвут (2,8 м. %) ҳамда Сардоба (2,8 м. %) туманларида юқори ўсиш суръатлари кузатилди.

Овқатланиш ташкилотларининг чакана товар айланмаси ҳажми 19,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 0,6 % га кўпайди. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажмида овқатланиш корхоналарининг улуши 2,5 % ни ташкил этди. Умумий овқатланиш ташкилотлари савдо айланмаси умумий ҳажмида энг катта улуш Ширин шаҳри ҳисобига тўғри келиб 3,5 % ни ташкил этгани ҳолда, Мирзаобод шаҳри 3,5 % ни, Гулистон шаҳари 3,4 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, Ховос тумани 0,4 % ни, Сардоба тумани 0,4 % ни қайд этди.

**Чакана товар айланмаси**

*(умумий овқатланишни қўшган ҳолда)*

| | ***Жами*** | | ***Аҳоли жон бошига*** | |
|---|---|---|---|---|
| | ***млрд. сўм*** | ***2020 йил январь-мартига нисбатан% да*** | ***минг сўм*** | ***2020 йил январь-мартига нисбатан % да*** |
| **Сирдарё вилояти** | **787,6** | **100,3** | **913,2** | **98,6** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Гулистон | 282,4 | 100,5 | 3086,5 | 99,6 |
| Ширин | 10,1 | 98,1 | 533,3 | 97,0 |
| Янгиер | 60,3 | 92,0 | 1361,1 | 90,4 |
| *туманлар:* | | | | |
| Боёвут | 36,6 | 88,9 | 277,7 | 87,4 |
| Гулистон | 37,7 | 100,4 | 506,1 | 98,1 |
| Мирзаобод | 71,5 | 93,1 | 949,3 | 90,9 |
| Оқолтин | 33,4 | 95,7 | 630,3 | 93,9 |
| Сардоба | 42,0 | 96,6 | 626,6 | 95,1 |
| Сайхунобод | 43,1 | 101,9 | 548,6 | 100,2 |
| Сирдарё | 123,2 | 98,2 | 945,1 | 96,8 |
| Ховос | 47,3 | 172,9 | 487,1 | 170,0 |

Чакана савдо товар айланмаси (овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига 1,4 % га камайиб, 913,2 минг сўмни ташкил этди (2020 йил январь-март ойларида 832,5 минг сўмни ташкил қилган). Ўртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичларни Гулистон (3086,5 минг сўм), Янгиер (1361,1 минг сўм) шаҳарлари ва Мирзаобод (949,3 минг сўм) туманида кузатилди. Шу билан бирга, энг паст кўрсаткичларни эса Боёвут (277,7 минг сўм), Ховос (487,1 минг сўм) ва Гулистон (506,1 минг сўм) туманларида қайд этилди.

## 2021 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига чакана савдо товар айланмаси, (минг сўм)




2021 йил январь–март ойларида чакана савдо товар айланмаси таркибида овқатланиш ташкилотларининг савдо айланмаси 2,5 фоизни ташкил этиб, 19,4 млрд. сўмга етди ёки ўтган йилнинг январь–март ойларига нисбатан 0,6 фоизга кўпайди. Бунда, жами савдо айланмасининг 91,3 фоиз улуши кичик тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда.

### Чакана савдо айланмасида йирик корхоналар ва кичик тадбиркорликнинг улуши,%



2021 йилнинг январь-мартида улгуржи савдо товар айланмаси 427,0 млрд. сўмни ёки 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 92,2 % ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг улгуржи савдо товар айланмаси 59,1 % га камайгани ҳолда 30,1 млрд. сўмни ташкил этганини кўриш мумкин.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг улгуржи савдо товар айланмаси 1,9 % га кўпайиб, 396,9 млрд. сўмга етди ва умумий улгуржи савдо товар айланмасидаги улуши 93,0 % ни ташкил қилди.

**Улгуржи савдо товар айланмаси**

| | *млрд. сўм* | *жамига нисбатан, % да* | *2020йил январь-мартига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| **Сирдарё вилояти** | **427,0** | **100,0** | **92,2** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 203,5 | 47,7 | 108,4 |
| Ширин | 0,3 | 0,1 | 99,2 |
| Янгиер | 12,4 | 2,9 | 104,2 |
| *туманлар:* | | | |
| Боёвут | 5,0 | 1,1 | 23,7 |
| Гулистон | 7,3 | 1,7 | 90,2 |
| Мирзаобод | 31,1 | 7,3 | 97,2 |
| Оқолтин | 4,3 | 1,0 | 29,0 |
| Сардоба | 2,7 | 0,6 | 21,2 |
| Сайхунобод | 23,9 | 5,6 | 64,9 |
| Сирдарё | 132,3 | 31,0 | 99,1 |
| Ховос | 4,2 | 1,0 | 101,0 |

## Ҳудудлар кесимида улгуржи савдо ҳажми

*(млрд. сўм)*

| | *Жами* | *Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да* | *Йирик корхоналар* | *Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да* | *Кичик корхоналар* | *Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан %да* |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Сирдарё вилояти** | **427,0** | **92,2** | **30,1** | **40,9** | **396,9** | **101,9** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Гулистон | 203,5 | 108,4 | 12,4 | 3,1 м. | 191,2 | 104,0 |
| Ширин | 0,3 | 99,2 | 0,0 | 150,9 | 0,3 | 98,8 |
| Янгиер | 12,4 | 104,2 | 0,1 | 0,0 | 12,2 | 102,9 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Боёвут | 5,0 | 23,7 | 1,9 | 10,5 | 3,1 | 101,4 |
| Гулистон | 7,3 | 90,2 | 1,9 | 71,4 | 5,4 | 99,5 |
| Мирзаобод | 31,1 | 97,2 | 2,1 | 74,4 | 29,0 | 99,4 |
| Оқолтин | 4,3 | 29,0 | 1,7 | 13,6 | 2,6 | 102,4 |
| Сардоба | 2,7 | 21,2 | 2,1 | 17,0 | 0,6 | 101,3 |
| Сайхунобод | 23,9 | 64,9 | 2,0 | 12,8 | 21,9 | 103,2 |
| Сирдарё | 132,3 | 99,1 | 2,8 | 91,7 | 129,5 | 99,3 |
| Ховос | 4,2 | 101,0 | 3,1 | 100,6 | 1,1 | 102,0 |

# VIII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

## 1 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

Сирдарё вилояти иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардош иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларидан фойдаланган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, хусусан ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси аҳолининг турмуш даражасига бевосита ўз таъсирини ўтказади.

2021 йилнинг январь-март ойлари якуни билан вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (матнда ТСА) 176,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 78,0 млн. АҚШ долларига ёки 79,1 % га кўпайди.

**Сирдарё вилояти ташқи савдо айланмаси**

*(минг. АҚШ доллари)*

| | 2020 йил | 2021 йил | Ўсиш сурати, % да | жамига нисбатан, % да |
|---|---|---|---|---|
| **Ташқи савдо айлпнмаси** | **98 627,6** | **176 674,1** | **179,1 %** | **х** |
| **Экспорт** export | **27 263,4** | **53 746,6** | **197,1 %** | **100,0** |
| *товарлар* | *25 902,1* | *46 482,1* | *179,4* | *86,5* |
| *хизматлар* | *1 218,3* | *7 264,5* | *5,9 m.* | *13,5* |
| **Import** import | **71 364,2** | **122 927,5** | **172,3 %** | **100,0** |
| *товарлар* | *71 364,2* | *122 927,5* | *172,3 %* | *100,0* |
| *хизматлар* | *0,0* | *0,0* | *0,0* | *0,0* |
| **Салдо** | **-44 100,8** | **-69 180,9** | **х** | **х** |

ТСА да экспорт ҳажми 53,7 млн. АҚШ долларига (97,1 % га кўпайди) ва импорт ҳажми 122,9 млн. АҚШ долларига (72,3 % га кўпайди) етди. Ҳисобот даврида -69,2 млн. АҚШ доллари қийматида пассив ташқи савдо баланси қайд этилди.

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижаси ўларок, 2021 йилнинг январь-март ойларида, ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 59,0 % ни ташкил этиб, ташқи савдо айланмасидаги 2020 йилга нисбатан улуши 11,6 % га кўпайди.

**Сирдарё вилоятининг ташқи савдо айланмасида МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатларнинг ҳажмлари динамикаси**

*(январь-март, минг. АҚШ доллари, улуши % да)*




Бошқа хорижий давлатларнинг ТСАси 2021 йилнинг январь-март ойларида 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 11,6 % га камайди ва жами ТСАдаги улуши 41,0 % ни ташкил этди.

**Сирдарё вилоятининг йирик ҳамкор-давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси**

*(январь-март, млн. АҚШ. доллари)*

| *Давлатлар* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
|---|---|---|---|
| **Россия Федерацияси** | **29,0** | **18,2** | **59,4** |
| Экспорт | 4,0 | 6,0 | 11,0 |
| Импорт | 25,0 | 12,2 | 48,4 |
| Сальдо | -21,0 | -6,2 | -37,4 |
| **Қозоғистон** | **39,6** | **15,8** | **40,0** |
| Экспорт | 6,2 | 3,2 | 3,1 |
| Импорт | 33,4 | 12,6 | 36,9 |
| Сальдо | -27,3 | -9,4 | -33,8 |
| **ХХР** | **44,6** | **20,7** | **27,5** |
| Экспорт | 8,0 | 3,8 | 10,6 |
| Импорт | 36,6 | 16,9 | 16,9 |
| Сальдо | -28,6 | -13,1 | -6,3 |

| *Давлатлар* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
|---|---|---|---|
| **Афғонистон** | 0,2 | 5,7 | 21,6 |
| Экспорт | 0,2 | 5,7 | 21,6 |
| Импорт | - | - | - |
| Сальдо | 0,2 | 5,7 | 21,6 |
| **Покистон** | **0,1** | **0,7** | **1,4** |
| Экспорт | 0,1 | 0,7 | 1,4 |
| Импорт | - | - | - |
| Сальдо | 0,1 | 0,7 | 1,4 |
| **Литва** | **1,9** | **0,4** | **1,2** |
| Экспорт | 1,3 | - | 0,1 |
| Импорт | 0,6 | 0,4 | 1,1 |
| Сальдо | 0,7 | -0,4 | -1,0 |
| **Қирғиз Республикаси** | **0,5** | **1,6** | **1,5** |
| Экспорт | 0,2 | 0,2 | 1,3 |
| Импорт | 0,3 | 1,4 | 0,2 |
| Сальдо | -0,1 | -1,2 | 1,1 |
| **Туркия** | **1,8** | **3,9** | **4,6** |
| Экспорт | 0,1 | 0,5 | 2,6 |
| Импорт | 1,7 | 3,4 | 2,0 |
| Сальдо | -1,6 | -2,9 | 0,6 |
| **Испания** | **-** | **-** | **0,7** |
| Экспорт | - | - | - |
| Импорт | - | - | 0,7 |
| Сальдо | - | - | 0,7 |
| **Германия** | **0,7** | **2,2** | **1,8** |
| Экспорт | - | - | - |
| Импорт | 0,7 | 2,2 | 1,8 |
| Сальдо | -0,7 | -2,2 | -1,8 |
| **Тожикистон** | **0,4** | **0,6** | **0,6** |
| Экспорт | 0,2 | 0,1 | 0,5 |
| Импорт | 0,2 | 0,6 | 0,1 |
| Сальдо | 0,0 | -0,5 | -0,4 |

Сирдарё, жаҳоннинг 36 дан ортиқ мамлакатлари билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. ТСА нинг нисбатан салмоқли ҳиссаси Россия Федерацияси (33,6 %), Қозоғистон (22,7 %), ХХР (15,5 %), Афғонистон (12,2 %), Австрия (5,7 %), Қирғиз Республикаси (0,9 %) ва Туркия (2,6 %) давлатларида қайд этилган.

**Сирдарё вилояти билан ташқи савдо айланмаси энг юқори бўлган давлатлар**
*(2021 йил январь-март, млн. АҚШ доллари,)*




## 2 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЭКСПОРТИ

Жорий йилнинг январь-март ойларида вилоятнинг экспортёрлари сони 105 тани ташкил этиб, улар томонидан 53,7 млн. АҚШ доллари қийматидаги (2020 йилнинг мос даврига нисбатан 97,1 % га кўпайди) товар ва хизматлар экспорт қилиниши таъминланди.

Экспорт таркибида товарлар улуши 86,5 % ни ташкил этиб, улар саноат товарлари (14,9 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар (49,4 %), кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (1,1 %), турли хил тайёр буюмлар (10,1 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Экспорт таркиби**

*(2021 йил январь-март, улуши % да)*




2021 йилнинг январь-март ойларида экспорт ҳажми 53,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 97,1 % га кўпайди.

2021 йилнинг январь-март ойларида экспорт қилинган товарлар ва хизматлар таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, товарлар ва хизматлар таркибида сезиларли ўзгаришлар қайд этилмади, бироқ шуни таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, ноозиқ-овқат хомашё (ёқилғидан ташқари), минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар ҳамда минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллардан ташқари барча товар гуруҳларида ўсиш кузатилди.

## МДҲ ва бошқа давлатларга экспорт таркиби

*(2021 йил январь-март)*

| ХССТ таркиби | Млн. АҚШ доллари | | | Жамига нисбатан % да | | | 2020 йилга нисбатан ўсиши, % да | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДХ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| **Жами** | **53,7** | **16,3** | **37,4** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **197,2** | **151,1** | **183,1** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 26,5 | 2,7 | 23,8 | 49,4 | 16,9 | 63,6 | 2,9 м. | 137,7 | 3,4 м. |
| Ичимликлар ва тамаки | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 4,9 | 2,0 | 2,9 | 9,1 | 11,9 | 7,8 | 65,9 | 127,3 | 50,5 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Ҳайвон ва ўсим-ликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Кимёвий восита-лар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 0,6 | 0,6 | - | 1,1 | 3,5 | - | 46,5 | 46,5 | - |
| Асосан материал турига қараб классификация-ланган саноат товарлари | 8,0 | 3,5 | 4,5 | 14,9 | 21,9 | 11,8 | 162,4 | 134,6 | 194,8 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 1,1 | 1,1 | - | 2,0 | 6,5 | - | 2,2 м. | 2,2 м. | - |
| Турли хил тайёр буюмлар | 5,4 | 5,4 | - | 10,1 | 33,2 | - | 185,3 | 197,1 | - |
| Хизматлар | 7,2 | 1,0 | 6,2 | 13,4 | 6,1 | 16,8 | 5,9 м. | 5,1 м. | 6,0 м. |

МДҲ мамлакатлари ва бошқа мамлакатларга экспортнинг йўналиши бўйича фарқланишлар мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, МДҲ мамлакатларига экспортнинг асосий қисми саноат товарлари ҳиссасига тўғри келмоқда, экспорт ҳажми бўйича кейинги ўринлар хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар ҳамда турли хил тайёр буюмларга тўғри келмоқда.

**Сирдарё вилоятининг асосий ҳамкор давлатларга амалга оширган экспорти ҳажми улушда**

*(январь-март)*




Жорий йилнинг январь-март ойларида ҳамкор мамлакатларнинг товарлар ва хизматлар экспорти бўйича географияси 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 20 давлатдан 24 давлатга кўпайди.

**Экспорт таркиби динамикаси**

*(январь-март, % да)*

| *Таркиб* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 15,4 | 33,1 | 49,4 |
| Ичимликлар ва тамаки | - | - | - |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 18,7 | 27,2 | 9,1 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | - | - | - |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | - | - | - |

| *Таркиб* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
|---|---|---|---|
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 4,6 | 4,5 | 1,1 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 38,7 | 18,2 | 14,9 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 2,4 | 1,7 | 2,0 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 12,5 | 10,8 | 10,1 |
| Хизматлар | 7,7 | 4,5 | 13,4 |

Сўнгги уч йилда МДҲ мамлакатларига экспорт ҳажми камайди ва уларнинг жами экспортдаги улуши 2019 йилнинг январь-мартидаги 46,5 % дан 2021 йилнинг январь-мартида 30,4 % га етди. Мос равишда бошқа мамлакатларнинг жами экспортдаги улуши 69,6 % ни ташкил этди.

**МДҲ ва бошқа давлатларга товар ва хизматлар экспорти ҳажмлари динамикаси**

*(январь-март, минг. АҚШ долл)*




2021 йилнинг январь-март ойлари якунида товар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлар таркибида Афғонистон (Экспорт умумий ҳажмининг 40,2 % и), Россия Федерацияси (20,4 %), Хитой Халқ Республикаси (19,7 %), Қозоғистон (5,7 %), Покистон (2,6 %) ва Қирғиз Республикаси (2,4 %) давлатлари сақланиб қолмоқда ҳамда уларнинг жами экспортдаги улуши 91,0 фоизни ташкил этмоқда.

2021 йилнинг январь-март ойларида, ўтган йилдаги каби товарлар ва хизматлар экспорти бўйича асосий ҳамкор давлатлардан Афғонистон етакчи мавқеини сақлаб турибди. Кейинги ҳолатни Россия Федерацияси эгаллади. ХХР озгина ортда қолган Қозоғистон учинчи поғонадан тўртинчи ўринга тушиб кетди.

## Сирдарё вилоятининг айрим давлатлар билан экспорт таркиби

*(январь-март, млн. АҚШ долл.)*

| ХССТ таркиби | Афғонитон | | Россия Федерацияси | | ХХР | | Қозоғистон | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2020 й. | 2021 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2020 й. | 2021 й. | 2020 й. | 2021 й. |
| **Жами экспорт** | **5,8** | **21,6** | **6,0** | **10,9** | **3,8** | **10,6** | **3,2** | **3,0** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 5,7 | 21,1 | 0,8 | 1,6 | 0,3 | 0,6 | 0,8 | 0,9 |
| Ичимликлар ва тамаки | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | - | 0,2 | 1,5 | 1,8 | 0,5 | 0,3 | - | - |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | - | - | 0,3 | 0,2 | - | - | 0,6 | 0,2 |
| Саноат товарлари | 0,1 | 0,3 | 1,2 | 1,5 | 2,0 | 4,1 | 0,7 | 0,6 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | - | - | 0,3 | 0,8 | - | - | 0,2 | 0,2 |
| Турли хил тайёр буюмлар | - | - | 1,8 | 4,2 | - | - | 0,8 | 0,8 |
| Бошқа товарлар | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Хизматлар | - | - | 0,1 | 0,8 | 1,0 | 5,6 | 0,1 | 0,3 |

Ушбу мамлакатларга экспорт қилинаётган товарлар таркибига асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар, саноат товарлари ҳамда минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар киради.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

*(2021 йил январь-март)*

Озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми бўлган 5,8 млн. доллар қийматли 11,8 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот экспорт қилинган. Бунда 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 млн. АҚШ долларида кўпайиши кузатилиб, 65,7 % га кўпайди.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 5,2 млн. АҚШ долларига тенг 11,2 минг тонна сабзавот, шунингдек, 0,6 млн. АҚШ доллари қийматидаги 0,6 минг тонна мева ва резаворлар экспорт қилинди.

Мева–сабзавот маҳсулотларининг асосий экспорт бозорлари Афғонистон (20,6 %), Покистон (23,5 %), Россия Федерацияси (27,7 %), Қозоғистон (15,8 %), Хитой Халқ Республикаси (6,6 %) давлатлари ҳиссасига тўғри келган.

## Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти
*(январь-декабрь, млн. АҚШ долл.)*










| | | | |
|---|---|---|---|
| ***0,3 минг тонна<br>0,2 млн.*** | ***0,2 минг тонна<br>0,5 млн.*** | ***0,1 минг тонна<br>0,2 млн.*** | ***11,2 минг тонна<br>5,2 млн.*** |

Ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги ва боғдорчиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани боис, экспорт қилинаётган мева ва сабзавотларнинг улуши 10,8 % ни ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш секторининг салоҳияти жуда юқори ва бу қулай табиий-иқлим шароитлари мавжудлиги ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тўпланган тажриба билан ҳам боғлиқлиги билан ифодаланади. Шу муносабат билан ҳукумат қишлоқ хўжалиги хомашёсини саноат асосида қайта ишлашга ва етиштирилган маҳсулотни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда

## Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорти географияси
*(январь-март)*

| *Давлат номи* | *2020 йил* | | | *2021 йил* | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *минг т* | *млн. АҚШ доллари* | *улуши, % да* | *минг т* | *млн. АҚШ доллари* | *улуши, %[1] да* |
| Қозоғистон | 2,2 | 0,8 | 22,8 | 5,4 | 0,9 | 15,8 |
| Россия Федерацияси | 1,3 | 0,8 | 22,8 | 2,6 | 1,6 | 27,7 |
| Афғонистон | 1,8 | 0,8 | 22,8 | 1,5 | 1,2 | 20,6 |
| Покистон | 0,8 | 0,7 | 20,0 | 1,5 | 1,3 | 23,5 |
| Хитой Халқ Республикаси | 0,2 | 0,1 | 2,8 | 0,4 | 0,4 | 6,6 |

[1]) - *қиймат ифодасида камайиб бориш тартибида сараланган*

## 3 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ИМПОРТИ

2021 йилнинг январь-март ойларида импорт ҳажми 122,9 млн. АҚШ долларини ва 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 172,3 % ни ташкил этди.

Импорт таркибидаги энг катта улуш, минерал ёқилғи ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар (30,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик хайвонлар (24,2 %) ҳамда кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар (7,8 %) ҳисобига тўғри келди.

**Импорт таркиби**

*(2021 йил январь-март, улушда % да)*




Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар импорти ҳажмларининг кўпайиши (2,6 м.) импортининг ошишига таъсир қилган.

Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари импорти кўпайишига эса, электр машиналари, аппаратлар, асбоблар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари (5,9 м.) ҳамда аниқ соҳалар учун махсус мўлжалланган машиналар (108,4 %) импортининг кўпайганлиги бевосита таъсир этган.

Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари импортининг улуши 32,3 % дан 25,8 % гача камайди, ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари 5,4 % дан 3,3 % га, саноат товарлари импортининг улуши эса 5,7 % дан 5,5 % га камайди.

## МДҲ ва бошқа хорижий давлатлардан товарлар ва хизматлар импорти ҳажмлари динамикаси

*(январь-март, минг. АҚШ долл., улуши % да)*




Жорий даврда импорт қилинган товарлар ва хизматлар таркиби таҳлили шуни кўрсатдики, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари импортининг улуши 32,3 % дан 25,8 % гача камайди, ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари 5,4 % дан 3,3 % га, саноат товарлари импортининг улуши эса 5,7 % дан 5,5 % га камайди.

МДҲ мамлакатлари ва бошқа хорижий давлатлар билан импорт улушининг динамикаси барқарор нисбати сақланиб қолмоқда ва жорий даврда ушбу кўрсаткич 71,4:28,6 муносабатни ташкил этди.

## Импорт таркиби динамикаси

*(январь-март, % да)*

| *Таркиб* | *2019 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
|---|---|---|---|
| **Жами** | **100,0** | **100,0** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 12,7 | 15,8 | 24,2 |
| Ичимликлар ва тамаки | - | - | - |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 3,0 | 5,4 | 3,3 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 18,7 | 4,5 | 30,6 |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 0,1 | 0,2 | 0,1 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 17,0 | 32,3 | 7,8 |

| Таркиб | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 2,6 | 5,7 | 5,5 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 41,3 | 32,3 | 25,8 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 4,6 | 3,8 | 2,7 |
| Бошқа товарлар | - | - | - |
| Хизматлар | - | - | - |

## МДҲ ва хорижий давлатлардан импорт таркиби
*(2021 йил январь-март)*

| ХССТ таркиби | Млн. АҚШ доллари | | | Жамига нисбатан % да | | | 2020 йилга нисбатан, % да | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар | Жами | МДҲ давлатлари | Бошқа давлатлар |
| **Жами** | **123,0** | **87,8** | **35,1** | **100,0** | **100,0** | **100,0** | **105,7** | **154,8** | **76,7** |
| *шу жумладан:* | | | | | | | | | |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар | 29,7 | 28,8 | 0,9 | 22,6 | 38,7 | 3,4 | 2,3 м. | 2,9 м. | 64,1 |
| Ичимликлар ва тамаки | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Ноозиқ-овқат хом ашё, ёқилғидан ташқари | 4,0 | 3,8 | 0,2 | 5,1 | 8,0 | 1,6 | 98,9 | 98,8 | 99,2 |
| Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар | 37,6 | 37,6 | - | 4,3 | 7,9 | 0,1 | 75,2 | 74,7 | 2,9 м. |
| Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар | 0,1 | 0,1 | - | 0,1 | 0,2 | - | 81,5 | 147,8 | 14,1 |
| Кимёвий воситалар ва бошқа тоифаларга киритилмаган шунга ўхшаш маҳсулотлар | 9,7 | 3,4 | 6,3 | 15,4 | 20,3 | 9,6 | 72,0 | 154,6 | 30,7 |
| Асосан материал турига қараб классификацияланган саноат товарлари | 6,9 | 5,4 | 1,4 | 6,2 | 6,0 | 6,5 | 72,9 | 119,5 | 51,0 |
| Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари | 31,7 | 8,5 | 23,2 | 40,4 | 17,3 | 68,1 | 106,0 | 124,7 | 101,4 |
| Турли хил тайёр буюмлар | 3,3 | 0,2 | 3,1 | 5,9 | 1,6 | 10,7 | 97,2 | 190,9 | 89,3 |
| Бошқа товарлар | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| Хизматлар | - | - | - | - | - | - | - | - | - |

Ҳисобот даври якунларига кўра, импорт бўйича ҳамкор давлатлар орасида Россия Федерацияси умумий импорт ҳажмида 39,4 % улуши билан Қозоғистон (30,1 %) ортда қолдирган ҳолда, биринчи ўринни эгаллади.

**Товар ва хизматлар ипортидаги йирик ҳамкор давлатлар**

*(2021 йил январь-март)*




2020 йил билан таққослаганда импорт бўйича энг юқори олтиликда ўзгариш кузатилмади. 2021 йилнинг январь-март ойлари якуни бўйича Сирдарё вилояти томонидан 35 дан ортиқ давлат билан товарлар ва хизматлар импорти амалга оширилди.

Етти йирик ҳамкор давлатлар (Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Туркманистон, Қозоғистон, Туркия, Германия ва Австрия) жами импортнинг 95,8 % улушини ташкил қилади, бу 117,8 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Товар** – ҳар қандай кўчма мулк, шу жумладан валюта ва валюта қимматликлари, электр, иссиқлик ва бошқа энергия турлари, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарлар ташиш учун ишлатиладиган транспорт воситалари, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари бундан мустасно), интеллектуал мулк объектлари.

**Товарлар экспорти** – агар қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш.

**Реэкспорт** – хорижий товарлар божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган божхона режими.

**Товарлар импорти** – товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб кириш.

**Реимпорт** – божхона ҳудудидан экспорт режимида олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида кўрсатилган муддатда (олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида) қайтариб олиб кириладиган режим.

**Ташқи савдо айланмаси** – мамлакатнинг муайян даврдаги экспорт ва импорт қийматлари суммаси.

**Товарлар келиб чиққан мамлакат** – товар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат (товар етарли даражада қайта ишлов берилган мамлакат "Божхона тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 26 - моддасига асосан аниқланади).

**Товарларнинг белгиланган манзили** – юклаб жўнатиш пайтида товар етказиб берилиши белгиланган мамлакат сифатида маълум бўлган мамлакат.

**Товарларнинг статистик қиймати** – шартнома валютасидан қатъий назар ягона базисга келтирилган шартнома бўйича товарлар қиймати.

**СИФ (қиймат, суғурталаш, фрахт)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакат портигача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**СИП (фрахт/ташиш ва суғурталаш)** – товарларни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни суғурталаш ҳамда импорт қилувчи мамлакатнинг чегарасидаги белгиланган жойгача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**ФОБ (бортда эркин)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни кема бортигача етказиб бериш ва юклаш харажатлари киритилади.

**ДАФ (чегарагача етказиб бериш)** – товарни сотиш шарти бўлиб, унга кўра товар нархига унинг қиймати ва товарни белгиланган жойгача ёки экспорт қилувчи мамлакат чегарасидаги жойгача ёхуд қўшни мамлакат чегарасигача етказиб бериш харажатлари киритилади.

**Хизматлар (ишлар) экспорти** — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан норезидентларга, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

**Хизматлар (ишлар) импорти** — норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентларига, иқтисодий географик жойлашувидан қатъи назар, кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар).

# IX. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

## 1 БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

### Январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улушини кўпайиш динамикаси, % да

2021 йилнинг январь–мартида кичик тадбиркорликнинг ЯҲМ даги улуши 56,2 % ни ташкил қилди (2020 йилнинг январь-мартида 59,6 %), ЯҲМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг камайиши йирик корхоналар улушининг камайиши билан изоҳланади.




### Кичик тадбиркорликнинг улуши
*(умумий ҳажмига нисбатан % да)*



## Кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари
*(январь-март ойларида)*

| | *Ўлчов бирлиги* | *2020 й* | *2021 й* | *(+;-)* |
|---|---|---|---|---|
| **Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони** | **бирлик** | **11752** | **13630** | **1878** |
| **Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар** | **бирлик** | **1003** | **695** | **-308** |
| *Кичик тадбиркорликнинг улушлари:* | | | | |
| ЯҲМ | % | 59,6 | 56,2 | -3,4 |
| Саноат | % | 39,8 | 32,9 | -6,9 |
| Қишлоқ, ўрмон ва баликчилик хўжалиги | % | 99,3 | 99,4 | 0,1 |
| Инвестиция | % | 59,2 | 47,8 | -11,4 |
| Қурилиш | % | 97,1 | 81,2 | -15,9 |
| Савдо | % | 95,8 | 91,3 | -4,5 |
| Хизматлар | % | 57,7 | 53,4 | -4,3 |
| Юк ташиш | % | 92,2 | 76,2 | -16,0 |
| Юк айланмаси | % | 94,8 | 84,3 | -10,5 |
| Йўловчи ташиш | % | 97,6 | 97,7 | 0,1 |
| Йўловчи айланмаси | % | 98,3 | 98,1 | -0,2 |
| Экспорт | % | 99,8 | 83,0 | -16,8 |
| Импорт | % | 99,9 | 44,6 | -55,3 |

## 2021 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликни ҳудудлар бўйича иқтисодий фаолият турлари кесимидаги улуши, % да

| | *Саноат* | *Қурилиш* | *Хизматлар* | *Инвестиция* |
|---|---|---|---|---|
| **Сирдарё вилояти** | **32,9** | **81,2** | **53,4** | 47,8 |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Гулистон | 54,4 | 99,3 | 33,2 | 43,7 |
| Ширин | 0,6 | 68,6 | 93,2 | 4,9 |
| Янгиер | 41,2 | 99,3 | 81,1 | 95,9 |
| *туманлар:* | | | | |
| Оқолтин | 39,6 | 99,7 | 68,4 | 59,8 |
| Боёвут | 90,3 | 99,0 | 51,8 | 92,4 |
| Сайхунобод | 81,4 | 98,1 | 59,4 | 97,0 |
| Гулистон | 100,0 | 98,7 | 67,8 | 89,6 |
| Сардоба | 100,0 | 99,1 | 68,5 | 57,4 |
| Мирзаобод | 36,5 | 86,0 | 81,5 | 88,1 |
| Сирдарё | 47,2 | 98,6 | 72,6 | 54,8 |
| Ховос | 79,0 | 26,1 | 61,8 | 97,1 |

Ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорликнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши энг кўп:

***Саноатда***

Сардоба (100,0 %), Гулистон (100,0 %), Боёвут (90,3 %), Сайхунобод (81,4 %), Ховос (79,0 %) туманлари ва Гулистон (54,4 %) шаҳарларида .

***Қурилишда-***

Оқолтин (99,7 %), Янгиер ш (99,3 %), Гулистон ш (99,3 %), Сардоба (99,1 %), Боёвут (99,0 %) ва Гулистон (98,7 %) туманларида.

***Хизматларда-***

Ширин ш (93,2 %), Янгиер ш (81,1 %), Сирдарё (72,6 %), Мирзаобод (81,5 %), Оқолтин (68,4 %) ва Сардоба (68,5 %) туманларида.

## 2021 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 763,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришнинг 32,9 % и);

– 576,3 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 47,8 % и) ўзлаштирилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 87,4 % ни ташкил қилди;

–456,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 81,2 % и) бажарилди ва 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,3 % ни ташкил қилди;

–499,3 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар ҳажмининг 53,4 % и), 2020 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,7 % ни ташкил қилди;

– чакана савдо товар айланмаси умумий ҳажмининг 91,3 % и ёки 719,4 млрд. сўмни (ўсиш 95,6 %) ташкил қилди;

– 44,6 млн. АҚШ доллар (умумий экспорт ҳажмининг 83,0 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди;

– автомобил транспорти юк айланмасининг 83,4 % га (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 70,6 % и) кўпайиши кузатилди;

– йўловчи айланмасининг эса 98,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 78,2 % и) кузатилди;





2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизматлар) экспортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Оқолтин туманида – 100,0 %, Сайхунобод туманида – 100,0 %, Ховос туманида – 100,0 %, Янгиер шаҳрида – 99,9 %, Сардоба туманида – 99,8 % ва Гулистон шаҳрида – 97,5 % ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Ширин шаҳрида – 0,0 %, ни ташкил этди.

## Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар) экспортининг жами экспортдаги улуши, % да




## Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (товар, хизматлар) импортининг жами импортдаги улуши, % да




2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товар, хизмат) импортининг жамига нисбатан энг кўп улуши Янгиер шаҳрида – 100,0 %, Оқолтин туманида – 100,0 %, Сайхунобод туманида – 100,0 %, Сардоба туманида – 100,0 %, Гулистон туманида – 99,5 %, Мирзаобод туманида – 83,2 % га тўғри келади. Энг паст кўрсаткич Ширин шаҳрида – 0,6 %, ни ташкил этди.

## 2021 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми




Ҳудудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Гулистон (118,3 млрд. сўм) шаҳрида, Сирдарё (125,2 млрд. сўм), Боёвут (96,1 млрд. сўм), Сайхунобод (82,6 млрд. сўм) ва Сардоба (79,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади. Ширин (6,7 млрд. сўм) шаҳарда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст бўлиб қолмоқда.

## 2021 йилнинг январь-март ойларида жами саноат маҳсулотидаги кичик тадбиркорликнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да



Ҳудудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидаги энг юқори улуши Гулистон (100,0 %), Сардоба (100,0 %), Боёвут (90,3 %), Сайхунобод (81,4 %), Ховос (79,0 %), Гулистон шаҳар (54,4 %), Сирдарё (47,2 %) туманларида ва Янгиер (41,2 %) шаҳарлари ҳиссасига тегишли. Ширин шаҳрида (0,6 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда.

**2021 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**






Ҳудудлар бўйича энг кўп чакана савдо товар айланмаси ҳажми, Гулистон (263,9 млрд. сўм), Сирдарё (114,9 млрд. сўм), Мирзаобод (70,1 млрд. сўм), Янгиер (54,2 млрд. сўм) шаҳарлари ҳамда Сайхунобод (42,0 млрд. сўм), Сардоба (41,6 млрд. сўм), Гулистон (36,0 млрд. сўм), ва Боёвут (35,3 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2021 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да бажарилган қурилиш ишлари ҳажми ва ўсиш суръати




Ҳудудлар бўйича энг кўп бажарилган қурилиш ишлари ҳажми Гулистон шаҳрида (162,4 млрд. сўм), Сирдарё туманида (43,9 млрд.сўм), Янгиер шаҳрида (38,9 млрд. сўм), Мирзаобод туманида (37,8 млрд. сўм), Боёвут туманида (36,1 млрд. сўм), Оқолтин туманида (33,6 млрд. сўм), Ховос туманида (30,6 млрд. сўм) ва Гулистон туманида (22,2 млрд. сўм) қайд этилди.



## 2021 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати




Ҳудудлар бўйича энг юқори хизматлар ҳажми Гулистон шаҳри (143,1 млрд. сўм), Сирдарё тумани (92,0 млрд. сўм), Янгиер шаҳар (56,8 млрд. сўм), Мирзаобод тумани (36,4 млрд. сўм), Ховос тумани (31,2 млрд. сўм), Боёвут тумани (27,3 млрд. сўм) ва Ширин шаҳарлари (27,1 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади.



# 2 БЎЛИМ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ СОНИ ТАҲЛИЛИ



2021 йилнинг январь – мартида 695 та кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,7 фоизга кам демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (37,8 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (14,4 %), саноат соҳасида (22,6 %), қурилиш соҳасида (6,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида (5,5 %), ташиш ва сақлашда (1,4 %), ахборот ва алоқада (2,0 %), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматда (1,3 %), ва бошқаларда (8,5 %) ни ташкил этилган.

**2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да**



**Савдо**
**37,8 %**



**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги**
**14,4 %**



**Қурилиш**
**6,5 %**



**Саноат**
**22,6 %**



**Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар**
**5,5 %**



**Ташиш ва сақлаш**
**1,4 %**

## 2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил топган жами кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши, % да

2021 йил январь – март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар ҳудудлар бўйича энг кўп Гулистон шаҳрида – 26,3 %, Сирдарё туманида – 18,4 %, Боёвут туманида – 8,9 %, Мирзаобод туманида – 7,9 %, Сайхунобод туманида – 6,8 % ва Гулистон туманида – 6,6 %, ташкил этган. Энг паст кўсаткични Ширин шаҳрида – 3,2 % тани ташкил этган.




## Ҳудудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, *бирликда*

| | *2020 й. январь-март* | *2021 й. январь-март* | *Фарқи (+;-)* |
|---|---|---|---|
| **Сирдарё вилояти** | **1003** | **695** | **-308** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 208 | 183 | **-25** |
| Ширин | 26 | 22 | **-4** |
| Янгиер | 64 | 28 | **-36** |

| | 2020 й. январь-март | 2021 й. январь-март | Фарқи (+;-) |
|---|---|---|---|
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 142 | 41 | **-101** |
| Боёвут | 95 | 62 | **-33** |
| Сайхунобод | 76 | 47 | **-29** |
| Гулистон | 66 | 46 | **-20** |
| Сардоба | 71 | 45 | **-26** |
| Мирзаобод | 97 | 55 | **-42** |
| Сирдарё | 109 | 128 | **19** |
| Ховос | 49 | 38 | **-11** |

*2021 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода – 263 та, шунингдек :*

*саноатда – 157 та;*

*қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 100 та;*

*қурилишда – 45 та;*

*яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда – 38 та.*

**Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган шаҳар ва туманлар,** *бирликда*

| | 2020 йил январь-март | 2021 йил январь- март | Фарқи (+;-) |
|---|---|---|---|
| Гулистон шаҳри | 208 | 183 | **-25** |
| Сирдарё тумани | 109 | 128 | **19** |
| Боёвут тумани | 95 | 62 | **-33** |
| Мирзаобод тумани | 97 | 55 | **-42** |
| Сайхунобод тумани | 76 | 47 | **-29** |
| Гулистон тумани | 66 | 46 | **-20** |
| Сардоба тумани | 71 | 45 | **-26** |
| Оқолтин тумани | 142 | 41 | **-101** |

2021 йил январь-март ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар бўйича энг кўпи Сирдарё туманида – 19 тани ташкил этди.

## Янги ташкил этилган корхоналар бўйича энг юқори ўринга эга бўлган шаҳар ва туманлар, *бирликда*




## Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони[1)]

*(январь-март ойларида: ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.






2021 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда) ҳудудлар бўйича энг юқори кўрсаткич Гулистон шаҳрида 43,8 бирлик, Сайхунобод туманида 22,2 бирлик, Гулистон туманида 22,0 бирлик, Оқолтин туманида 21,9 бирлик, Мирзаобод туманида 21,0 бирлик, Янгиер шаҳрида 20,9 бирлик, Сирдарё туманида 19,8 бирлик, ни ташкил этди. Боёвут тумани 13,3 бирликка тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич энг паст бўлиб қолмоқда.

---

[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар( фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олган ҳолда)*

## 2021 йилнинг январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик субъектларининг сони[1)]
*(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*.




## Фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони
*(ҳар 1000 аҳолига, бирликда)*[1)]

- **Энг юқори кўрсаткич** Гулистон шаҳрида 43,8 бирлик
- **Ўртача кўрсаткич** Янгиер шаҳрида 20,9 бирлик
- **Энг паст кўрсаткич** Боёвут туманида13,3 бирлик

[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар ( фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олган ҳолда)*
[1)] *Кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олган ҳолда)*

## 3 БЎЛИМ. КИЧИК КОРХОНА ВА МИКРОФИРМАЛАРНИНГ ТАНЛАНМА КУЗАТУВЛАРИ

### 2021 йилнинг I чорагида кичик корхона ва микрофирмалар томонидан умумий иқтисодий вазиятни баҳолаш

Жорий йилнинг **I** чораги бўйича ўтказилган сўровномага асосан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан билдирилган умумий иқтисодий ҳолат мезони (**қулай, қониқарли, қониқарсиз**) бўйича таҳлили:

Ушбу сўровномада **552** та кичик корхона ва микрофирмалар иштирок этди. Уларнинг 156 (28,3 %) таси иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолади, 332 (60,1 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолаган бўлса, қолган 64 (11,6 %) та субъектлар иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган.

Иқтисодий вазиятни **қулай** деб баҳолаган субъектлар 156 та бўлиб улардан, 59 таси (37,8 %) савдо йўналиши, 23 таси (14,7 %) қурилиш соҳаси, 10 таси (6,4 %) қишлоқ, хўжалиги соҳаси, 38 таси (24,4 %) саноат соҳаси, 26 таси (16,7 %) хизматлар соҳаси ҳиссасига тўғри келган.




Иқтисодий вазиятни **қониқарли** деб баҳолаган субъектлар 332 та бўлиб, улардан 173 таси (52,2 %) савдо йўналиши, 29 таси (8,7 %) саноат йўналиши, 25 таси (7,5) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги йўналиши, 84 таси (25,3 %) хизматлар йўналиши, 21 тас (6,3 %) қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келган.



Иқтисодий вазиятни **қониқарсиз** деб баҳолаган субъектлар 64 та бўлиб, улардан 27 таси (42,2 %) савдо йўналиши, 6 таси (9,4 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 18 таси (28,1 %) хизматлар йўналиши, 6 таси (9,4 %) қурилш соҳаси, 7 таси (10,9 %) саноат соҳаси ҳиссасига тўғри келган.



## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик)** – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

**Юридик шахс** – ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

**Якка тартибдаги тадбиркорлик** – жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

**Корхонанинг фаолиятини таҳлил қилиш** – унинг асосида корхона фаолиятини хар томонлама ўрганиш. Натижада, маълумот тўплашнинг маълум усулларидан фойдаланиш орқали корхона фаолиятини баҳолаш ва заиф томонларини аниқлаш учун керакли маълумотларни олиш.

**Чакана савдо** – бу охирги фойдаланувчиларга товарлар ва хизматлар сотиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

**Улгуржи савдо** – бу катта миқдордаги товарларни сотишни ўз ичига олган иқтисодий фаолият.

**Товарларни реализация қилиш** – маҳсулотни самарали сотишга қаратилган ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

**Реклама** – бу харидорларнинг кенг доираси ўртасида маҳсулот тўғрисида маълумотни самарали тарқатиш усулига асосланган реклама воситасининг коммуникатив шакли.

**Таваккалчилик** – келажакда ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишда, қарор қабул қилишда мумкин бўлган йўқотишлар.

**Бозор** – бу савдо операцияларини амалга ошириш муносабати билан турли шахслар ўртасида шаклланадиган муносабатлар тизими.

# X. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ[1)]

## 1 БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ



**Фойда.** 2021 йилнинг январь–март ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 12,8 млрд. сўм миқдорида фойда билан якуний молиявий натижа олинди.

2020 йилнинг шу даврида фойда солиғи тўлагунга қадар 33,6 млрд сўм фойда билан якунланган.

### Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалар

| | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *2020 йилнинг январь-мартига нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| | *Фойда, зарар (+;-), млрд. сўм* | | |
| **Жами** | **33,6** | **12,8** | 38,0 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | -1,4 | -4,3 | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 11,2 | 10,0 | 89,2 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | 24,8 | 10,6 | 42,7 |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | 0,02 | 0,04 | 183,0 |
| Қурилиш | 0,06 | -1,8 | - |
| Савдо | -0,7 | -1,5 | - |
| Ташиш ва сақлаш | -0,5 | -0,3 | - |
| Профессионал, илмий ва техник фаолият | - | - | - |
| Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш | - | - | - |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 0,2 | 0,2 | 105,0 |

### 2021 йилнинг январь-март ойларида фойданинг ўсиш суръати юқори бўлган вазирлик ва идоралар

| | *Фойданинг ўсиши, млрд. сўм* | *2020 йилнинг январь-мартига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| "Иссиқлик электор станциялари" АЖ | 10,3 | 48,2 |
| Ўзчармсаноат уюшмаси | 5,1 | 76,6 |
| “Ҳудудий электор тармоқлари” АЖ | 2,5 | 72,2 |

## Алоҳида хўжалик бошқарув органларида фойданинг ўсиши,

*(млрд. сўм)*




2021 йилнинг январь-март ойларида 2020 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганда, фойданинг асосий ўсиши "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш" (0,2 млрд. сўм), "Ўзкимёсаноат" АЖ (1,6 млрд. сўм), "Ўздонмахсулот" АК (0,6 млрд. сўм) вазирликларига тўғри келади.

Фойданинг пасайиши Ўзагрокимёҳимоя АЖ –0,004 млрд. сўмга, Ўзпахтасаноат АЖ – 0,06 млрд. сўмга, Ўзбекнефтгаз АЖ-0,6 млрд. сўмга кузатилган.



## 2021 йилнинг январь-март ойларида фойданинг пасайиши юқори бўлган вазирлик ва идоралар

| | *Фойданинг пасайиши, млрд. сўм* | *2020 йилнинг январь-мартига нисбатан % да* |
|---|---|---|
| "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ | 0,004 | 9,5 |
| "Ўзпахтасаноат" АЖ | 0,06 | 16,9 |
| "Ўзбекнефтгаз" АЖ | 0,6 | 65,9 |

## Фойданинг пасайиши, *млрд. сўм*




## Январь-март ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалар

| | *2020 йил январь-март* | *2021 йил январь-март* | *2020 йилнинг январь-мартига нисбатан % да* |
|---|---|---|---|
| | *Фойда, зарар (+;-), млрд. сўм* | | |
| **Сирдарё вилояти** | **33,6** | **12,8** | 38 |
| шаҳарлар: | | | |
| Гулистон | 0,1 | -2,5 | - |
| Ширин | 21,4 | 10,3 | 48,2 |
| Янгиер | 3,4 | 2,5 | 73,5 |
| туманлар: | | | |
| Боёвут | 0,4 | 0,3 | 75,0 |
| Гулистон | 0,0 | -0,02 | - |
| Мирзаобод | -2,2 | -7,5 | - |
| Оқолтин | 0,09 | 0,01 | 11,1 |
| Сардоба | 0,13 | 0,02 | 15,3 |
| Сайхунобод | 1,1 | 0,8 | 72,7 |
| Сирдарё | 8,8 | 8,4 | 95,4 |
| Ховос | 0,1 | 0,4 | 400,0 |

Ҳудудлар кесимида зарарнинг асосий қисми Гулистон (2,6 млрд. сўм) шаҳар, Мирзаобод (7,6 млрд. сўм) ҳамда Сирдарё (0,6 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Маълумот учун:**

2021 йилнинг январь–март ойларида 10 та корхона ва ташкилотлар 10,9 млрд. сўм зарар кўрган.

**2021 йилнинг январь-мартида зарар кўрган айрим вазирлик ва хўжалик бошқарув органларининг молиявий натижалари** (жамига нисбатан % да)




Зарарнинг асосий қисми “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 0,3 млрд. сўм, шунингдек, Ўзбекистон тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси – 0,01 млрд.сўм, “Худудгазтаъминот” АЖ – 2,2 млрд. сўм, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК – 0,3 млрд. сўм, Ўзчармсаноат уюшмаси – 1,5 млрд. сўм, "Дори-Дармон " АЖ– 0,4 млрд. сўм, "Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналари уюшмаси" АЖ – 0,1 млрд. сўм, ва бошқалар– 6,2 млрд. сўм корхоналарига тўғри келади.

## Январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | *2020 йил январь-март* | | *2021 йил январь-март* | |
|---|---|---|---|---|
| | *Корхоналар сони* | *Зарар суммаси млрд. сўм* | *Корхоналар сони* | *Зарар суммаси млрд. сўм* |
| **Жами** | **4** | **1,5** | **10** | **10,9** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | - | - | 2 | 4,3 |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | - | - | 2 | 0,1 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш | - | - | 1 | 2,2 |
| Қурилиш | - | - | 1 | 1,8 |
| Савдо | 2 | 0,8 | 3 | 2,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 2 | 0,7 | 1 | 0,3 |

## 2021 йилнинг январь-мартида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари (жамига нисбатан % да)




## Январь-март ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

| | *2020 йил январь-март* | | *2021 йил январь-март* | |
|---|---|---|---|---|
| | *Корхоналар сони* | *Зарар суммаси млрд. сўм* | *Корхоналар сони* | *Зарар суммаси млрд. сўм* |
| **Сирдарё вилояти** | **4** | **1,5** | **10** | **10,9** |
| Гулистон шаҳар | 2 | 0,6 | 4 | 2,7 |
| Гулистон тумани | | | 1 | 0,02 |
| Мизаобод тумани | | | 3 | 7,6 |
| Сирдарё тумани | 2 | 0,9 | 2 | 0,6 |

## 2 БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ҲОЛАТИ[1)]

| | *2021 йил 1 март млрд. сўм* |
|---|---|
| **Дебитор қарздорлик, жами** | 2461,9 |
| *шу жумладан:* | |
| харидор ва буюртмачилар | 1390,9 |
| етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар | 547,5 |
| ички идоравий қарз | 161,8 |

2021 йил 1 март ҳолатига кўра, дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2461,9 млрд. сўмни, шундан муддати ўтгани – 40,3 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 1,6 % ини ташкил қилди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирилганда 30,4 млрд. сўмга ошган.

### 2021 йил 1 март ҳолатига кўра корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги




### Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги

*млрд.сум*

| | *2020 йил 1 март ҳолатига* | | *2021 йил 1 март ҳолатига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *Дебитор қарздорлик* | *шундан муддати ўтгани* | *Дебитор қарздорлик* | *шундан муддати ўтгани* |
| **Сирдарё вилояти** | **1703,3** | **9,9** | **2461,9** | **40,3** |
| Гулистон | 97,3 | 5,7 | 197,9 | 10,3 |
| Ширин | 860,1 | - | 926,1 | - |
| Янгиер | 192,4 | - | 216,4 | - |

[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

| | *2020 йил 1 март ҳолатига* | | *2021 йил 1 март ҳолатига* | |
|---|---|---|---|---|
| | *Дебитор қарздорлик* | *шундан муддати ўтгани* | *Дебитор қарздорлик* | *шундан муддати ўтгани* |
| *туманлар:* | | | | |
| Боёвут | 56,6 | 0,6 | 128,8 | 1,9 |
| Гулистон | 7,6 | 0,2 | 7,9 | 0,6 |
| Мирзаобод | 10,7 | 0,3 | 390,1 | 24,4 |
| Оқолтин | 1,5 | 0,1 | 0,7 | 0,1 |
| Сардоба | 111,7 | 0,8 | 110,7 | 0,8 |
| Сайхунобод | 139,1 | - | 167,2 | - |
| Сирдарё | 170,9 | 2,2 | 257,4 | 2,2 |
| Ховос | 55,4 | - | 58,7 | - |

**Ҳудудлар** кесимида дебитор қарздорликнинг асосий қисми Ширин шаҳри – 926,2 млрд. сўм, Мирзаобод тумани – 390,1 млрд. сўм, Сирдарё тумани – 257,4 млрд. сўм ва Янгиер шаҳри – 216,4 млрд. сўмга тўғри келади.

**2021 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг дебитор қарздорлиги** *(млрд.сўм)*



## 3 БЎЛИМ. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИГИ ҲОЛАТИ[1)]

| | *2021 йил 1 декабрь, млрд. сўм* |
|---|---|
| **Кредитор қарздорлик, жами** | 2537,9 |
| *шу жумладан:* | |
| етказиб берувчилар ва пудратчиларга | 17,0 |
| бюджетга тўловлар бўйича қарз | 1,2 |
| давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз | 0,4 |
| ички идоравий қарз | 737,1 |

2021 йил 1 март ҳолатига кўра кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 2537,9 млрд. сўм, шундан муддати ўтгани – 18,9 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 0,7 % ини ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2020 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирилганда 15,5 млрд. сўмга кўпайган.

### 2021 йил 1 март ҳолатига кўра корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги

**Кредитор қарздорлик, млрд. сўм**




**Муддати ўтган қарздорлик, млрд. сўм**




[1)] *Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.*

## Ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги

| | 2020 йил 1 март ҳолатига | | 2021 йил 1 март ҳолатига | |
|---|---|---|---|---|
| | Кредитор қарздорлик | шундан муддати ўтгани | Кредитор қарздорлик | шундан муддати ўтгани |
| **Сирдарё вилояти** | **1888,7** | **3,4** | **2537,9** | **18,9** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Гулистон шахри | 160,3 | - | 387,9 | - |
| Ширин шахри | 689,7 | - | 849,5 | - |
| Янгиер шахри | 211,6 | - | 204,9 | - |
| *туманлар:* | | | | |
| Боёвут тумани | 192,0 | - | 174,5 | 0,1 |
| Гулистон тумани | 51,2 | 0,1 | 62,4 | 2,1 |
| Мирзаобод тумани | 10,3 | - | 322,5 | 13,4 |
| Оқолтин тумани | 81,2 | 1,9 | 83,2 | 1,9 |
| Сардоба тумани | 163,0 | 0,9 | 173,5 | 0,9 |
| Сайхунобод тумани | 168,9 | - | 121,0 | - |
| Сирдарё тумани | 129,7 | 0,5 | 153,2 | 0,5 |
| Ховос тумани | 30,8 | - | 5,3 | - |

Ҳудудлар кесимида кредитор қарздорликнинг асосий қисми Гулистон (387,9 млрд. сўм), Ширин (849,5 млрд. сўм), Янгиер (204,9 млрд. сўм) шаҳарлари ҳамда Мирзаобод (322,5 млрд. сўм), Боёвут (174,5 млрд. сўм), Сардоба (173,5 млрд. сўм) ва Сирдарё (153,2 млрд. сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида корхона ва ташкилотларнинг кредитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*



## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор қарздорлиги ҳолати

| | Жами, млрд. сўм | шундан: | | |
|---|---|---|---|---|
| | | харидор ва буюртмачилар | етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар | ички идоравий қарз |
| **Сирдарё вилояти** | **18,9** | **-** | **17,0** | **-** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Гулистон | - | - | - | - |
| Ширин | - | - | - | - |
| Янгиер | - | - | - | - |
| *туманлар:* | | | | |
| Боёвут | 0,1 | - | 0,1 | - |
| Гулистон | 2,1 | - | 0,2 | - |
| Мирзаобод | 13,4 | - | 13,4 | - |
| Оқолтин | 1,9 | - | 1,9 | - |
| Сардоба | 0,9 | - | 0,9 | - |
| Сайхунобод | | - | - | - |
| Сирдарё | 0,5 | - | 0,5 | - |
| Ховос | - | - | - | - |

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган дебитор қарздорликнинг асосий қисми Мирзаобод туманида – 13,4 млрд. сўм, Гулистон туманида – 2,1 млрд. сўм ва Сардоба туманида 0,9 млрд. сўмни ташкил этган.

**Муддати ўтган қарздорлик** - *қонунда белгиланган муддатда тўланмаган, муддати ўтган қарзнинг умумий суммаси.*

## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтган кредитор қарздорлиги ҳолати

| | *Жами, млрд. сўм* | *шундан:* | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *етказиб берувчилар ва пудрат-чиларга* | *бюджетга тўловлар бўйича қарз* | *давлат мақсадли жамғарма-ларига тўловлар бўйича қарз* | *ички идора-вий қарз* |
| **Сирдарё вилояти** | **18,9** | **17,0** | **1,2** | **0,4** | **-** |
| *шаҳарлар:* | | | | | |
| Гулистон | - | - | - | - | - |
| Ширин | - | - | - | - | - |
| Янгиер | - | - | - | - | - |
| *туманлар:* | | | | | |
| Боёвут | 0,1 | - | - | - | - |
| Гулистон | 2,1 | 0,2 | 1,2 | 0,4 | - |
| Мирзаобод | 13,4 | 13,5 | - | - | - |
| Оқолтин | 1,9 | 1,9 | - | - | - |
| Сардоба | 0,9 | 0,9 | - | - | - |
| Сайхунобод | - | - | - | - | - |
| Сирдарё | 0,5 | 0,5 | - | - | - |
| Ховос | - | - | - | - | - |

Ҳудудлар кесимида муддати ўтган кредитор қарздорликнинг асосий қисми Мирзаобод – 71,3 %, Гулистон – 11,0 %, Оқолтин – 10 %, Сардоба –5,0 %, Сирдарё – 2,4 % ва Боёвут – 0,3 % ни туманларида ташкил этди.



## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

| | *Жами, млрд. сўм* | *шундан:* | | | *муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | *харидор ва буюртмачилар* | *етказиб берувчиларга ва пудратчиларга берилган аванслар* | *ички идора вий қарз* | |
| **Жами** | **18,9** | - | **9,5** | - | - |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 | - | - | - | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 3,5 | - | 9,5 | - | - |
| Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш | - | - | - | - | - |
| Қурилиш | 13,4 | - | - | - | - |

Иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг энг кўпи қурилишда – 71,3 %, ишлаб чиқарадиган саноат – 18,3 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – 10,4 % ни ташкил этди.

## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги *(жамига нисбатан % да)*




Энг юқори дебитор қарздорлик “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 908,1 млрд. сўм (вилоят бўйича жами қарздорликдан 36,8 %), “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 216,4 млрд. сўм (8,8 %), “Ўздонмахсулот” АК – 126,4 млрд. сўм (5,1 %), “Ўзкимёсаноат” АЖ – 73,8 млрд.сўм (3,0 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 34,8 млрд. сўм (1,4 %), “Ўзбекнефтгаз” АЖ –24,7 млрд. сўм (1,0 %) ва бошқалар 974,1 млрд. сўм (36,6 %) кузатилмоқда.

## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, алоҳида хўжалик бошқарув органларининг кредитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*




**Маълумот учун:**

*2021 йил 1 март ҳолатига жами кредитор қарздорлик 2537,9 млрд. сўм бўлиб, унинг дебитор қарздорликдан ошиши 649,2 млрд. сўмни ташкил қилди.*

Энг юқори кредитор қарздорлик "Иссиқлик электр станциялари" АЖ – 849,1 млрд. сўм (вилоят бўйича жами кредитор қарздорликдан 33,5 %), "Ўзпахтасаноат" АЖ – 292,2 млрд. сўм (11,5%), "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ – 204,9 млрд. сўм (8,2 %), "Худудгаз таъминот" АЖ – 177,4 млрд. сўм (7,0 %), "Ўздонмахсулот" АК – 13,6 млрд. сўм (0,6 %), "Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги" – 42,5 млрд. сўм (1,7 % ) ва бошқалар – 949,3 млрд. сўм (37,5 %) ни ташкил этди.

## 2021 йил 1 март ҳолатига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби

| | Жами, млрд. сўм | шундан: | | | | муддати ўтган қарздорликнинг улуши, % да |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | етказиб берувчилар ва пудратчиларга | бюджетга тўловлар | давлат мақсадли фондларига тўловлар | ички идоравий қарз | |
| **Жами** | **18,9** | **17,0** | **1,2** | **0,4** | - | - |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 | 0,1 | 1,2 | 0,4 | - | - |
| Ишлаб чиқарадиган саноат | 3,5 | 3,5 | - | - | - | - |
| Қурилиш | 13,4 | 13,4 | - | - | - | - |

## Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги *(млрд. сўм)*




Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторлик қарздорликка нисбати қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

| | *Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши* | |
|---|---|---|
| | *млрд. сўм* | *дебиторга нисбатан % да* |
| "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ | 6,8 | 158,1 |
| "Ўзпахтасаноат" АЖ | 292,2 | 839,6 |
| Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги | 42,5 | 372,8 |

Жами кредитор қарздорликнинг дебитор қарздорликдан ошиши "Ўзпахтасаноат" АЖ да – 292,2 млрд. сўмга (839,6 %), "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ – 6,8 млрд. сўм (158,1 %), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги – 42,5 млрд. сўмга (372,8 %) ошгани кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)** – корхона ва ташкилотларнинг барча хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттирадиган якуний молиявий натижа. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари), асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари, молиявий фаолиятнинг даромадлари ва фавқулодда фойда йиғиндисидан давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда харажатлар чегириб ташланадиган фойданинг умумий фойдасини (зарарини) ифодалайди.

**Дебиторлик қарзлар** – харидорлар ва буюртмачилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари, ходимларга, мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар, бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ва суғурта бўйича бўнак тўловлари, муассисларнинг устав фондидаги улушлари бўйича қарзи, ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзлари ва бошқа дебиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Кредиторлик қарзлар** – етказиб берувчилар ва пудратчилар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар, олинган аванслар, бюджетга тўловлар бўйича қарз, суғурта бўйича қарз, давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз, таъсисчиларга қарзлар, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар ва бошқа кредиторлик қарзларини ўз ичига олади.

**Маҳсулот (товар, иш ва хизматлар)** – тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек, сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар қўшимча қиймат солиғи ҳамда акциз солиғини қўшган ҳолда.

**Муддати ўтган қарзлар** – қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси.

**Актив** – маълум бир санадаги ташкилот активлари таркиби ва қийматини акс эттирувчи бухгалтерия баланси (чап томон).

**Пассив** – корхона маблағлари (мажбуриятлари ва капитали) шаклланишининг барча манбалари йиғиндисининг (ўнг томони) қарама-қарши қисми.

# XI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

## Корхона ва ташкилотлар сони

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига, бирликда)*

**Рўйхатдан ўтган корхоналар**
16 967
113,8 %

**Фаолият кўрсатаётган**
15 738
113,1 %

**Янги ташкил этилган корхоналар (январь-март)**
734
71,1 %

**Юридик шахс:** юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юридик шахс** ҳисобланади.

## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати билан)*



## Фаолият кўрсатаётган
## тижорат корхоналари сони

*(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**10 047** — Масъулияти чекланган

**344** — Оилавий корхона

**107** — Унитар корхона

**2 954** — Хусусий корхона

**21** — Акциядорлик жамияти

**251** — Бошқалар

## Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(Иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



## Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони

*(январь-март ойларида, бирликда)*




## Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони

*(январь-март ойларида, бирликда)*



## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар таркиби

*(1 апрель ҳолатига кўра)*

**Жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,3 фоизга ошди**


















## Саноат йўналишида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



*Жами фаолият кўрсатаётган саноат корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14,2 фоизга ошди*









**100**



**Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаши**

**1 968**



**Ишлаб чиқариш саноати**

**21**



**Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш**

**37**



**Сув билан таъминлаш, канализация тизимида, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш**

2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, саноат корхоналари ва ташкилотлар сони 2126 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,2 % га ошди.

Жами саноат корхона ва ташкилотлари кўпайишининг асосий омили – (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан), ишлаб чиқариш (қайта ишлаш) саноатида – 115,2 % га (жами саноатдаги улуши 92,6 %), тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш – 101,0 % га (жами саноатдаги улуши 4,7 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 110,5 % га (жами саноатдаги улуши 1,0 %) ва сув билан таъминлаш, кондициялаш тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг 102,7 % га (жами саноатдаги улуши 1,7 %) кўпайиши кузатилди.

## Қурилиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



*Жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан* **14,9** *фоизга ошди*




### Кичик тадбиркорлик суъбектлари



**15,0 фоизга ошди**




### Микрофирма




### Кичик корхоналар




### Маъсулияти чекланган жамияти



**19,7 фоизга ошди**




### Оилавий корхоналар






### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони



**20,0 фоизга ошди**




### Хусусий корхоналар




**2,0 фоизга ошди**



## Савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони
*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



Жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,5 фоизга ошди




### Кичик тадбиркорлик субъектлари



19,5 фоизга ошди




### Микрофирмалар




### Кичик корхоналар




### Масъулияти чекланган жамияти



*26,3 фоизга ошди*




### Оилавий корхоналар



*31,7 фоизга ошди*




### Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони



*Ўтган йилга нисбатан 11,1 фоизга камайган*




### Хусусий корхоналар






*2,6 фоизга ошди*



**Кичик тадбиркорлик субъектлари сони**
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

**14 738** рўйхатдан ўтган
- **511** кичик корхоналар
- **14 227** микрофирмалар

**13 630** фаолият кўрсатаётган
- **495** кичик корхоналар
- **13 135** микрофирмалар

**695** 2021 йилда янги ташкил этилган
- **8** кичик корхоналар
- **687** микрофирмалар

**Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони**
*(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*



## Оилавий корхоналар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




Ташкилий-хуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 392 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 98 тага ёки 31,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 344 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 69 тага ёки 25,1 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони 26 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 68 тага ёки 72,3 % га камайганлигини кўриш мумкин

## Масъулияти чекланган жамиятлар сони

*(1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

Ташкилий – ҳуқуқий шакли бўйича рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 10813 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1984 тага ёки 22,5 % га ошганлигини кўрсатмоқда.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 10047 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 1765 тага ёки 21,3 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 608 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан олганда 220 тага ёки 26,6 % га камлигини кўриш мумкин.



## Сирдарё вилоятидаги хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони

*(2021 йил 1апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




Рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра 191 тани ташкил этиб, улардан 184 таси ёки 96,3 % фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 16 тага ёки 9,5 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2021 йилнинг январь-март ойларида 3 та хорижий капитал иштирокидаги корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди.

## Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




***Жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,7 фоизга ошди***




**Кичик тадбиркорлик субектлари** **Микрофирмалар** **Кичик корхоналар**











## Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг давлатлар кесимида сони

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




## Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони

*(иқтисодий фаолият турлари бўйича 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

| | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **69** | **83** | **117** | **168** | **184** |
| *шу жумладан:* | | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 4 | 4 | 8 | 14 | 19 |
| саноат | 52 | 60 | 82 | 105 | 117 |
| қурилиш | 2 | 4 | 7 | 10 | 12 |
| савдо | 5 | 9 | 11 | 27 | 24 |
| ташиш ва сақлаш | 2 | 3 | 4 | 6 | 3 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | - | - | 1 | 1 | 1 |
| ахборот ва алоқа | - | - | - | 2 | 1 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | - | - | - | - | - |
| бошқа турлар | 4 | 3 | 4 | 3 | 7 |

## Ҳудудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони

*(2021 йил 1апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




## Ҳудудлар кесимида хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*

| | Жами | *шундан:* | |
|---|---|---|---|
| | | Қўшма корхона | Хорижий корхона |
| **Сирдарё вилояти** | **184** | **121** | **63** |
| Гулистон ш. | 46 | 30 | 16 |
| Янгиер ш. | 21 | 9 | 12 |
| Ширин ш. | 5 | 5 | - |
| Оқолтин | 5 | 2 | 3 |
| Боёвут | 7 | 3 | 4 |
| Сайхунобод | 11 | 6 | 5 |
| Гулистон | 5 | 4 | 1 |
| Сардоба | 10 | 7 | 3 |
| Мирзаобод | 12 | 7 | 5 |
| Сирдарё | 51 | 42 | 9 |
| Ховос | 11 | 6 | 5 |

Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхонларнинг асосий қисми Сирдарё туманида 51 та (умумий миқдоридаги улуши 27,7 %), Гулистон шаҳрида 46 та (25,0 %), Янгиер шаҳрида 21 та (11,4 %), Сайхунобод туманида 11 та (6,0 %) ҳамда Мирзаобод туманида 12 тани (6,5 %) ташкил этади.

**Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг худудлар бўйича сони**
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар худудлар кесимида тақсимланганда уларнинг улуши Гулистон шаҳри (28,6 %), Янгиер шаҳри (6,6 %), Ширин шаҳри (2,5 %), Сирдарё тумани (14,5 %), Сайхунобод (7,9 %), Боёвут (8,0 %), Гулистон (7,4 %), Мирзаобод (8,2 %), Оқолтин (5,6 %), Ховос (5,7 %), Сардоба (5,0 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони**
*(ҳудудлар бўйича январь-март ойларида, бирликда)*

2021 йил январь-март ойларида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар худудлар кесимида тақсимланганда, уларнинг сони Гулистон шаҳри (27,0 %), Янгиер шаҳри (4,2 %), Ширин шаҳри (3,3 %), Сирдарё (17,7 %), Сайхунобод (6,7 %), Боёвут (9,1 %), Гулистон (6,5 %), Мирзаобод (7,8 %), Оқолтин (6,1 %), Ховос (5,3 %), Сардоба (6,3 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.



## Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони ҳудудлар кесимида

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




## Масъулияти чекланган жамиятлар сони ҳудудлар кесимида

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*




2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган маъсулияти чекланган жамиятлар ҳудудлар кесимида тақсимланганда уларининг улуши, Гулистон шаҳри, (25,4 %), Янгиер шаҳри (7,8 %), Ширин шаҳри (2,4 %), Сирдарё (16,7 %), Сайхунобод (8,2 %), Боёвут (7,3 %), Гулистон (6,7 %), Мирзаобод (8,9 %), Оқолтин (5,4 %), Ховос (5,9 %) va Сардоба (5,3 %) туманлари ҳиссаларига тегишли.

**Ҳудудлар кесимида жами хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг қўшма корхона ва хорижий корхоналарга тақсимланиши**

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, жамига нисбатан улуши % да)*




2017-2021 йилларда ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” нинг учунчи муҳим йўналиши – халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожланиши ҳисобланади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонини ўсиб бориши, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фаолиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётгани билан изоҳланади.

## Янги ташкил этилган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони

*(2020 йил январь-апрель ойларида, бирликда)*




2021 йилнинг январ-март ойларида янги ташкил этилган оилавий корхоналар, худудлар кесимида тақсимланган Гулистон шахри (29,9 %), Янгиер шахри (11,5 %), Ширин шахри (3,8 %), Сирдарё (23,1 %), Сайхунобод (7,7 %), Боёвут (7,7 %), Гулистон (15,4 %), Мирзаобод (3,8 %), Оқолтин (44,6 %), Ховос (6,0 %) ва Сардоба (6,0 %) туманлари улушни қайт этади

## Фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони

*(иқтисодий фаолият турлари бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, бирликда)*






## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри** – ахборот маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

**Рўйхатга олинган** – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда юридик шахсларнинг давлат реестрида мавжуд бўлган юридик шахслар (фаолияти тугатилган юридик шахслардан ташкари).

**Фаолият кўрсатаётган** – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда давлат статистика органларига молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ёки тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушмаган юридик шахслар.

**Фаолият кўрсатмаётган** – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ёки белгиланган муддатда устав жамғармаларини шакллантирмаган ҳамда тугатиш жараёнида бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлган юридик шахслар.

**Янги ташкил этилган**- рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан белгиланган тартибда юридик шахсларнинг давлат реестрига янгидан киритилган юридик шахслар.

**Фаолияти тугатилган** – рўйхатдан ўтказиш органлари томонидан юридик шахсларнинг давлат реестрига юридик шахсни тугатилганлиги тўгрисидаги ёзув киритилгандан сўнг бу ҳақда давлат статистика органларига маълумот тақдим этилган юридик шахслар.

**Юридик шахсларнинг фаоллик даражаси** – маълум бир даврда фаолият кўрсатмаётган юридик шахсларнинг жами рўйхатдан ўтган юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Юридик шахсларнинг янги ташкил этилганлик даражаси** – маълум бир давр оралиғида ташкил этилган юридик шахсларнинг жами фаолият кўрсатаётан юридик шахсларга нисбатининг фоиздаги ифодаси.

**Кичик корхона ва микрофирмалар** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги “Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида” 275-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар** – норезидентлар иштирокидаги корхоналар, хорижий юридик шахслар (хорижий фирмаларнинг филиаллари ва бўлимлари), корхонанинг устав фондида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирок этган корхоналар.

# XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ



## 1 БЎЛИМ. СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра Сирдарё вилояти доимий аҳолиси сони 864,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 3,0 минг кишига ёки 0,3 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 368,1 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 42,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 496,0 минг кишини (57,4 %) ташкил этди.

**Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг жами аҳолига нисбатан улуши, % да**




**Эркаклар ва аёлларнинг жами аҳолига нисбатан улуши, % да**



**Тирик туғилганлар сони**
*(январь-март ойлари, минг киши)*






**Доимий аҳоли сони**
*(1 апрель ҳолатига, минг киши)*






**Никоҳлар сони**
*(январь-март ойлари, минг бирлик)*






**Ажримлар сони**
*(январь-март ойлари, минг бирлик)*






**Кўчиб келганлар**
*(январь-март ойлари, минг киши)*






**Кўчиб кетганлар**
*( январь-март ойлари, минг киши)*





### Сирдарё вилояти аҳолисининг табиий ҳаракати
*(январь-март)*

| *Кўрсаткичлар* | *Минг киши* | | *1000 аҳолига нисбатан* | |
|---|---|---|---|---|
| | *2020 йил* | *2021 йил* | *2020 йил* | *2021 йил* |
| Туғилганлар | 4,4 | 4,6 | 20,8 | 21,5 |
| Никоҳлар сони, *минг бирлик* | 1,2 | 1,6 | 5,6 | 7,3 |
| Ажримлар сони, *минг бирлик* | 0,3 | 0,3 | 1,5 | 1,4 |

**Туғилиш.** 2021 йилнинг январь-март ойларида 4,6 минг нафар бола туғилганлиги (фақат тирик туғилганлар) қайд этилган бўлиб, 2020 йилнинг мос даврига (4,4 минг нафар бола) нисбатан 0,2 минг нафар болага кўпайди. Туғилиш коэффициенти 21,5 промиллени ташкил этди.

### Сирдарё вилояти бўйича тирик туғилганлар сони
*(2021 йил январь-март)*




2021 йил январь-март ойларида энг кўп туғилганлар сони март (1,7 минг киши) ойида кузатилди. Аксинча, энг кам туғилганлар февраль (1,4 минг киши) ойида қайд этилди.

**Сирдарё вилояти бўйича тирик туғилганлар сони**

*(январь-март)*




**Никоҳ.** 2021 йилнинг январь-март ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 1,6 минг никоҳ қайд этилиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффициенти 7,3 промиллени ташкил этди.

**Сирдарё вилояти бўйича тузилган никоҳлар сони**

*(2021 йил январь-март)*




2021 йил январь-март ойлари мобайнида энг кўп тузилган никоҳлар сони март (0,8 минг бирлик) ойида, энг кам никохлар сони эса февраль (0,4 минг бирлик) ойида кузатилди.

**Никоҳдан ажралишлар.** 2021 йилнинг январь-март ойларида ФҲДЁ органлари томонидан 0,3 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти 1,4 промиллени ташкил этди.

**Сирдарё вилояти бўйича никоҳдан ажрашганлар сони**
*(2021 йил январь-март)*




2021 йил январь-март ойларида энг кўп никоҳдан ажрашганлар сони март (0,1 минг бирлик) ойида, энг кам никоҳдан ажрашганлар сони февраль (0,08 минг бирлик) ойида қайд этилди.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 2,5 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 3,0 минг кишини ташкил этди.

Миграция сальдоси минус 0,4 минг кишини ташкил этди. 2020 йилнинг мос даврида миграция сальдоси минус 0,1 минг кишини ташкил этган.

# 2 БЎЛИМ. ҲУДУДЛАР БЎЙИЧА ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

## Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)*




Вилоят ҳудудлари кесимида 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кўп аҳоли сони Боёвут туманида 132,0 минг кишини (вилоят жами аҳолиси сонидаги улуши 15,3 %), Сирдарё туманида 130,4 минг кишини (15,1 %), Ховос туманида 97,4 минг кишини (11,3 %), Гулистон шаҳрида 91,8 минг кишини (10,6 %) ташкил этди.

Вилоят ҳудудлари кесимида 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, энг кам аҳоли сони Ширин шаҳрида 18,9 минг кишини (вилоят жами аҳолиси сонидаги улуши 2,2 %), Янгиер шаҳрида 44,5 минг кишини (5,1 %), Оқолтин туманида 53,1 минг кишини (6,1 %), Сардоба туманида 67,2 минг кишини (7,8 %), Гулистон туманида 74,6 минг кишини (8,6 %), Мирзаобод туманида 75,5 минг кишини (8,7 %) ва Сайхунобод туманида 78,7 минг кишини (9,1 %) ташкил этди.



**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг**
**2020 йилга нисбатан ўсиш суръати**
*(2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, % да)*




Ҳудудлар бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг юқори ўсиши Гулистон туманида (102,5 %), Мирзобод туманида (102,4 %), Янгиер шаҳрида (102,1 %) ва Оқолтин туманида (101,9 %) кузатилди.

Ҳудудлар бўйича 2021 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳоли сонининг энг паст ўсиши Ширин (100,5 %) ва Гулистон (100,9 %) шаҳарларида ҳамда Сирдарё (101,3 %), Сардоба (101,7 %) ва Сайҳунобод (101,7 %) туманларида кузатилди.




**Ҳудудлар кесимида туғилганлар коэффициенти ўзгариши**

*(январь-март)*




Туғилиш даражасининг ўсиши Мирзобод туманида (20,4 промилледан 24,6 промиллега), Оқолтин туманида (16,8 промилледан 22,5 промиллега), Гулистон туманида (18,5 промилледан 22,3 промиллега) кузатилди.

Туғилиш даражасининг пасайиши Гулистон (33,1 промилледан 22,6 промиллега) ва Янгиер (23,6 промилледан 22,4 промиллега) шаҳарларида ҳамда Сардоба (21,9 промилледан 20,8 промиллега) туманида қайд этилди.




**Ҳудудлар кесимида туғилиш коэффициенти**

*(2021 йил январь-март)*




Ҳудудлар бўйича энг юқори туғилиш коэффициенти Мирзаобод туманида (24,6 промилле), Оқолтин туманида (22,5 промилле), Гулистон туманида (22,3 промилле), ва Боёвут туманида (21,2 промилле) кузатилди.

Ҳудудлар бўйича энг кам туғилиш коэффициенти Ширин шаҳрида (12,9 промилле), Сайхунобод туманида (20,2 промилле), Ховос туманида (20,7 промилле) ва Сардова туманида (20,8 промилле) кузатилди.



## Ҳудудлар кесимида никоҳ тузганлар коэффициенти

*(2021 йил январь-март)*




Ҳудудлар бўйича 2021 йилнинг январь–март ойларида энг юқори никоҳ коэффициенти Гулистон шаҳрида (13,2 промилле), Янгиер шаҳрида (8,6 промилле), Оқолтин (7,3 промилле), Гулистон (7,0 промилле) ва Ховос (6,8 промилле) туманларида кузатилди.

Ҳудудлар бўйича 2021 йилнинг январь–март ойларида камайиши Ширин шаҳрида (3,6 промилле), Сайхунобод (6,0 промилле), Боёвут (6,1 промилле), Сардоба (6,3 промилле) ва Мирзаобод (6,7 промилле) туманларида кузатилди.




## Ҳудудлар кесимида никоҳдан ажрашганлар коэффициенти

*(2021 йил январь-март)*




Ҳудудлар бўйича 2021 йилнинг январь–март ойларида никоҳдан ажрашганларни энг юқори коэффициенти Янгиер (2,5 промилле), Гулистон (1,9 промилле), шаҳарларида ҳамда Ховос 1,8 промилле) Гулистон ва Сирдарё (1,5 промилле) туманларида қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича 2021 йилнинг январь–март ойларида энг кам никоҳдан ажрашганлар коэффициенти Сардоба (0,7 промилле), Сайҳунобод (1,0 промилле), Мирзаобод (1,1 промилле) туманларида кузатилди.




**Аҳоли миграцияси**
*(январь-март, киши)*

| | *Келиш* | | *Кетиш* | | *Миграция сальдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2020 й.* | *2021 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* | *2020 й.* | *2021 й.* |
| **Сирдарё вилояти** | **2395** | **2545** | **2508** | **3011** | **-113** | **-466** |
| Гулистон ш. | 414 | 533 | 410 | 444 | 4 | 89 |
| Ширин ш. | 65 | 33 | 71 | 108 | -6 | -75 |
| Янгиер ш. | 256 | 306 | 146 | 222 | 110 | 84 |
| туманлар: | | | | | | |
| Оқолтин | 139 | 159 | 161 | 181 | -22 | -22 |
| Боёвут | 174 | 192 | 359 | 401 | -185 | -209 |
| Сайҳунобод | 97 | 131 | 160 | 232 | -63 | -101 |
| Гулистон | 315 | 298 | 202 | 191 | 113 | 107 |
| Сардоба | 118 | 172 | 179 | 283 | -61 | -111 |
| Мирзаобод | 342 | 250 | 255 | 267 | 87 | -17 |
| Сирдарё | 237 | 205 | 259 | 353 | -22 | -148 |
| Ховос | 238 | 266 | 306 | 329 | -68 | -63 |

Миграция сальдосининг юқори даражаси Боёвут (минус 209) тумани ва Сирдарё туманларида (минус 148) кузатилди.

Миграция сальдосининг ижобий даражаси Гулистон (плюс 89) ва Янгиер (плюс 84) шахарларида кузатилди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Доимий аҳоли** – рўйхатдан ўтказилаётган вақтда муайян аҳоли пункти ёки ҳудудда доимий истиқомат қилаётган аҳолидан иборат бўлиб, бунга ушбу ҳудудда доимий рўйхатда туриб, лекин вақтинча яшамайдиган аҳоли ҳам киритилади.

**Шаҳар аҳолиси** – шаҳар ҳудудларида, яъни меъёрий ҳужжатлар билан шаҳарлар, шаҳарчалар сифатида белгиланган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳоли.

**Қишлоқ аҳолиси** – шаҳарлар ва шаҳарчалар тоифасига киритилмаган ҳудудларда - қишлоқ жойларда (овуллар, қишлоқлар ва бошқалар) истиқомат қилувчи аҳоли.

**Доимий аҳоли сонини баҳолаш -** охирги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида ҳисобланиб, унга ҳар йили туғилганлар ва муайян ҳудудга кўчиб келганлар сони қўшилиб, ўлганлар ва муайян ҳудуддан кўчиб кетганлар сони айрилади.

**Туғилиш** – туғилиш жараёнларининг содир бўлиши ва бошқа хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткич.

**1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти** – ҳисобот йилида жами туғилганлар (тирик) сонини ҳисобот давридаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**1000 та аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти** – ҳисобот йилида жами ўлганлар сонини ҳисобот йилидаги доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Гўдаклар ўлими** – ҳаётининг биринчи йилида содир бўлган болалар ўлими ҳодисаси.

**1000 туғилганга нисбатан (1 ёшгача болалар ўлими) гўдаклар ўлими коэффициенти** қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\text{Коэфф.} = (У^{t}_{ж} / Т_{ж} + У^{t-1}_{ж} / Т_{ж-1}) * 1000,$$

бу ерда $У^{t}_{ж}$ - жорий йилда туғилиб, шу йили ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$Т_{ж}$ – жорий йилда туғилганлар сони;

$У^{t-1}_{ж}$ – ўтган йилда туғилиб, жорий йилда ўлган 1 ёшгача болалар сони;

$Т_{ж-1}$ –ўтган йилда туғилганлар сони.

**Ўлим сабаблари** – ўлимга ёки унинг содир бўлишига таъсир этган касалликлар, патологик ҳолатлар ва жароҳатлар, шунингдек, ўлим билан якун топган жароҳатга сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик ҳолатлари.

**Никоҳ** – эркак ва аёл ўртасидаги, уларнинг бир-бирларига ва фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ўзаро муносабатлари шакли. Эр ва хотин ўртасидаги юридик муносабатлар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органларида никоҳларини рўйхатдан ўтказиш натижасида ўрнатилади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳлар коэффициенти -** ҳисобот йилида тузилган никоҳлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади.

**Никоҳдан ажралиш (никоҳни бекор қилиш) –** эр-хотинларнинг ҳаёти давомида, томонлар учун қайта никоҳ ҳуқуқини берувчи, никоҳларнинг тўлиқ юридик тўхтатилиши, никоҳ ФҲДЁ ёки суд органларида ажралишни рўйхатдан ўтказилганидан сўнг бекор қилинган ҳисобланади.

**1000 аҳолига нисбатан никоҳдан ажралиш коэффициенти -** ҳисобот йилида никоҳдан ажралишлар сонини доимий аҳолининг ўртача сонига бўлиб, 1000 га кўпайтириш орқали ҳисобланади

**Кўчиб келганлар сони** – кўчиб келганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудудга унинг ташқарисидан кўчиб келганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда тузиладиган кўчиб келишни статистик ҳисобга олиш сўровномаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

**Кўчиб кетганлар сони** – кўчиб кетганларнинг абсолют миқдори, яъни муайян ҳудуддан унинг ташқарисига кўчиб кетганлардан иборат. Ички ишлар органлари томонидан аҳолини яшаш жойи бўйича рўйхатдан чиқаришда тузиладиган кўчиб кетишни статистик ҳисобга олиш варақаларини қайта ишлаш натижасида аниқланади.

**Аҳолининг миграцион ўсиши (фарқи) -** ҳисобот даврида кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасидаги фарқнинг абсолют миқдори..

# XIII. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

2021 йил январь-март ойларида Сирдарё вилоятида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2411,3 минг сўмни (иш ҳақига устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 108,7 % га ўсиши таъминланди.



**Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди**

*(2021 йил январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)*

| | *Ходимлар сони, киши* | *Иш ҳақи фонди, млрд.сўм* | *Ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича-жами** | **70408** | **509,3** | **2411,3** |
| *шу жумладан:* | | | |
| саноат | 12713 | 91,0 | 2281,6 |
| қурилиш | 57 | 0,3 | 1549,9 |
| савдо | 704 | 6,1 | 2906,7 |
| ташиш ва сақлаш | 1536 | 8,3 | 1807,5 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 33 | 0,2 | 1637,5 |
| ахборот ва алоқа | 500 | 4,7 | 3160,0 |
| банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик | 1738 | 26,0 | 4995,3 |
| таълим | 27817 | 194,2 | 2327,6 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 13630 | 86,5 | 2115,0 |
| санъат, кўнгил очиш ва дам олиш | 536 | 2,6 | 1649,0 |
| бошқа фаолият турлари | 11144 | 89,4 | 2661,0 |

**Иш ҳақи.** 2021 йил январь-март ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда.

**Таълим соҳасида** 27,8 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 39,5 %) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 194,2 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фонди улуши 38,1 %) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2327,6 минг сўмни ташкил этди.



**Саноат** иқтисодий фаолият турида 12,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 91,0 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 17,9 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2281,6 минг сўмни ташкил этди.




**Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш** соҳасида 13,6 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 19,3 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 86,5 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 17,0 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2115,0 минг сўмни ташкил этди.



**Ташиш ва сақлаш** иқтисодий фаолият турида 1,5 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 8,3 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 1,6 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1807,5 минг сўмни ташкил этди.



**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти** иқтисодий фаолият турида 1,7 минг нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,5 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 26,0 млрд. сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 5,1 % ни) ташкил этган. Мазкур соҳада ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 4995,3 минг сўмни ташкил этди.

## Сирдарё вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
*(январь-март, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, минг сўм)*

| | *2020 йил* | *2021 йил* | *Ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **2218,1** | **2411,3** | **108,7** |
| *шаҳарлар:* | | | |
| Гулистон | 2485,0 | 2793,6 | 112,4 |
| Ширин | 2790,5 | 3396,6 | 121,7 |
| Янгиер | 2369,7 | 2476,2 | 104,5 |
| *туманлар:* | | | |
| Оқолтин | 2046,8 | 2020,5 | 98,7 |
| Боёвут | 2172,1 | 2190,7 | 100,9 |
| Сайхунобод | 2340,0 | 2490,8 | 106,4 |
| Гулистон | 1988,4 | 1844,3 | 92,8 |
| Сардоба | 2013,0 | 2067,8 | 102,7 |
| Мирзаобод | 1508,2 | 1791,4 | 118,8 |
| Сирдарё | 2003,4 | 2114,8 | 105,6 |
| Ховос | 2227,1 | 2527,7 | 113,5 |

## Ҳудудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
*(2021 йил январь-март ойларида; вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)*



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Ширин шаҳар 3396,6 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 140,9 %), Гулистон шаҳар 2793,6 минг сўмни (115,9 %) ташкил этган бўлса, Ховос тумани 2476,2 минг сўмни (104,8 %), Сайхунобод тумани 2490,8 минг сўмни (103,3 %), ташкил этмоқда.

**Маълумот учун:** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона таъриф сеткасининг биринчи разряди (2021 йил 1 февраль ойида 747,3 минг сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.



# СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ 2021 ЙИЛ ЯНВАРЬ–МАРТ


Нашрга масъул:
Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот–таҳлилий ишлар бўлими
*тел. (0–367)236–86–14*

**Буюртма рақами №__ ___.___.20 й. Тираж ___ нусха**

***Сирдарё вилояти статистика бошқармаси***
***Гулистон ш., Бирлашган кўчаси, 62–уй***
***www.sirstat.uz***